

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Иқтисодий жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашишни ташкил этиш” кафедраси**

**“Коррупцияга қарши кураш” йўналиши тингловчиси
РАХИМОВ РУСТАМЖОН ХАМИДОВИЧНИНГ**

**ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ
ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ
ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ
мавзусидаги**

МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

**Илмий раҳбар: М.А.Аминжонова (ю.ф.н.,
доцент)**

Илмий маслаҳатчи: В.Каримов (ю.ф.д. проф)

Тошкент – 2022

Диссертациясининг қисқача аннотацияси

Магистрлик тадқиқот ишида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш тушунчаси, амалга ошириш тартиби, хукуқий асослари, молиявий тергов ўтказиш тартиби бўйича айрим хукуқшунослар фикрлари, айрим хорижий давлатларнинг молиявий тергов олиб боришга доир нормаларнинг қиёсий-хукуқий, илмий-назарий таҳлиллари ёритилган.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят, жиноят-процессуал кодекслари, тезкор-қидирав фаолиятини тартибга солувчи қонунлари нормалари таҳлил қилинган ҳолда уларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш борасида “Жиноят процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги қонунлар лойиҳаси тайёрлашни назарда тутади.

Тадқиқот натижасига кўра, миллий қонунчилигимизга ижобий тажрибани кенг жорий этиш, тезкор-қидирав фаолияти ва жиноят процессида молиявий терговни самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Краткая аннотация диссертации

Магистерское исследование охватывает понятие финансового расследования по фактам легализации преступных доходов, процедуру, правовую базу, взгляды некоторых юристов по проведению финансового расследования, сравнительно-правовой, научно-теоретический анализ норм финансового расследования некоторых зарубежных стран.

Кроме того, планируется подготовить новые проекты законов «О внесении изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс», «О внесении изменений и дополнений в Закон об оперативно-розыскной деятельности» о проведении финансовых расследований Уголовно-процессуального кодекса и закона об оперативно-розыскной деятельности

некоторых зарубежных стран и их реализации в нашем национальном законодательстве.

В результате исследования были выработаны предложения и рекомендации по широкому внедрению положительного опыта в национальное законодательство, эффективной организации оперативно-розыскных и финансовых расследований в уголовном судопроизводстве.

Brief abstract of the dissertation

The Master's research covers the concept of financial investigation into the facts of money laundering, the procedure, the legal framework, the views of some lawyers on conducting financial investigations, comparative legal, scientific and theoretical analysis of the norms of financial investigation in some foreign countries.

In addition, it is planned to prepare new draft laws "On amendments and additions to the Criminal Procedure Code", "On Amendments and additions to the Law on Operational Investigative Activities" on financial investigations of the Criminal Procedure Code and the Law on operational investigative Activities of some foreign countries and their implementation in our national legislation.

As a result of the study, proposals and recommendations were developed for the widespread introduction of positive experience into national legislation, effective organization of operational investigative and financial investigations in criminal proceedings.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-12
I БОБ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1-§. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов тушунчаси, ҳуқуқий асослари ва шаклланиш босқичлари.....	13-27
1.2.-§. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан молиявий тергов ўтказишга доир халқаро стандартлар.....	28-41
II БОБ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ	
2.1-§. Молиявий терговнинг тезкор-қидирав, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тутган ўрни.....	42-54
2.2-§. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан молиявий тергов ўтказишнинг ташкилий ва методик жиҳатлари.....	55-76
III БОБ. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
3.1-§. Молиявий тергов ўтказиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси.....	77-90
3.2-§. Ўзбекистон Республикасида молиявий тергов ўтказишни такомиллаштириш масалалари.....	91-97
ХУЛОСА.....	98-106
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	107-112
Иловалар.....	113-156

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида ислоҳотларга жиддий тўсқинлик қилаётган «яширин иқтисодиёт»га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмаслигини таъкидлаб ўтди.¹

Дарҳақиқат, «яширин иқтисодиёт»нинг мамлакат иқтисодиётининг нормал фаолият юритишига салбий таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Мамлакатда иқтисодиётида хуфёна секторнинг мавжуд бўлиши ушбу муаммони ҳал этишга алоҳида ёндашувни талаб этади.

Жаҳон банки маълумотига кўра, 2019 йилда Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **52,1 фоизни** ташкил этган.

Шу ўринда ушбу кўрсаткичлар солиштириладиган бўлса, Марказий Осиё давлатларида, хусусан Тожикистонда яширин иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **40,7 фоиз**, Қозогистонда **36,6 фоиз** ва Қирғизистонда **30,5 фоизга** етган.

Яширин иқтисодиётнинг улуши жаҳон мамлакатлари, жумладан, Бразилияда 36,5 фоиз, Испанияда 21,7 фоиз, Италияда 19,5 фоиз, Кореяда 18,4 фоиз, Хитойда 14,5 фоиз, Германияда 10,2 фоиз, Буюк Британияда 9,6 фоиз, Австралияда 9,0 фоиз, Сингапурда 8,6 фоиз, Японияда 8,1 фоиз ва АҚШда 8,0 фоизни ташкил қиласди.²

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, маълумотлар таҳлили Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал равишда ўсиб бораётганидан далолат бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда 2021 йилдаги **ялпи ички маҳсулот** (ЯИМ) ҳажми **734,6 триллион сўмни** ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан **7,4 фоизга ўсган**, 2020 йилда бу кўрсаткич **580,2 триллион сўмни** ташкил қиласган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521).

² Интернет маълумоти: <https://mineconomy.uz/uz/info/3758>.

Шу жумладан, ахоли жон бошига ҳисобланган ЯИМнинг ҳажми **21 миллион сўмга** етган. Бу эса 2020 йилгига қараганда **5,3 фоизга** кўпроқдир. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Жаҳон банки 2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти **4,3 фоизга ўсишини** прогноз қилган эди.³

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, тўлов тизимларининг такомиллашиши, молиявий тизимга янги технологияларнинг жорий этилиши ўз навбатида иқтисодий жиноятларни тергов қилишда бир қатор қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Тадқиқотлар натижасига кўра жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш трансмиллий хусусиятга эга эканлиги маълум бўлиб, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш учун «жозибадорлик» индекси юқори бўлган давлатларга жиноий даромадларнинг катта миқдордаги оқими кириб келиши кузатилган.

Шу ўринда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг яширин иқтисодиёт бўйича тайёрланган ҳисботида таъкидланишича, иқтисодий жиноятларнинг тарқалиш даражаси яширин иқтисодиётнинг маастабига бевосита таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида нафақат алоҳида бир давлатнинг истисодиёти учун хавф солмай, жаҳон ҳамжимиятининг иқтисодий-молиявий барқарорлигини ҳам издан чиқаради.

Шу сабабли жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш бугунги кунда халқаро характердаги жиноятга айланди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, халқаро пул ўтказмалари тизимининг такомиллашаётгани, виртуал пулларнинг пайдо бўлиши каби омиллар ушбу турдаги жиноятларни халқаро миқёсда ҳам долзарб муаммога айлантирумоқда.

Бу эса ўз навбатида, бундай жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш, миллий қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади.

³ Интернет маълумоти: <https://daryo.uz/k/2022/01/27/ozbekistonda-yalpi-ichki-mahsulot-hajmi-2021-yilda-74-foizga-osdi/>

Бу муаммо ушбу турдаги жиноятлар содир этилишининг ошиб бораётгани, жиноятларнинг кўп эпизодлилиги, ижтимоий хавфининг юқорилиги, замонавий электрон технологиялардан фойдаланган ҳолда турли хил янги молиявий схемалар орқали содир этилаётгани, нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки унинг ҳудудидан ташқарида ҳам содир этилиши ёхуд жиноий оқибатларнинг кенг масштабга эга эканлиги ва бошқа сабаблар билан боғлик.

Хусусан, Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гурухи томонидан 2021 йилда Ўзбекистоннинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизими ФАТФ стандартларига мувофиқлиги ўрганилди.

Эксперт-баҳоловчилар томонидан ўрганиш натижаларига бўйича расмийлаштирилган ҳисоботга кўра, Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар бўйича асосий жиноятлар тоифаси орасида фирибгарлик, ўғрилик, талончилик, коррупция, порахўрлик ва наркотик моддаларининг ноқонуний муомалага киритилиши устунлик қиласи.⁴

Бироқ жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятлари аксарият ҳолларда иқтисодий ва коррупцион жиноятлар бўйича фош этилган бўлиб, солиқ тўловларини тўлашдан қасдан бўйин товлаш, савдо қоидаларини бузиш жиноятларининг **31,4 фоизида**, коррупцияга оид жиноятлар бўйича **33,1 фоизида** аниқланган.

Аксинча, хавф даражаси ўта юқори бўлган фирибгарлик жиноятлари бўйича жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш **19,8 фоиз**, ўғрилик, босқинчилик ҳамда талончилик жиноятлари бўйича эса **6,5 фоизни** ташкил этиб, жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш борасида етарли чоралар кўрилмаётганлиги баён этилган.

⁴ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 74-96 б.

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдик, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунга қадар хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг саъй-ҳаракатлари содир этилган жиноятлар оқибатида етказилган мулкий зарарнинг ўрнини қоплашни таъминлашга қаратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жиноят натижасида етказилган моддий зарар ва жиноий йўл билан олинган даромад ҳар доим ҳам бир хил тушунчалар эмас. Масалан, ноқонуний гиёҳванд моддалар савдоси, ноқонуний қурол савдоси, ноқонуний миграцияни ташкил этиш, жинсий эксплуатация каби жиноятлар, қоида тариқасида, мулкий зарар етказиш билан боғлиқ эмас, балки жиноий даромадларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда мол-мулкни мусодара қилишни хуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, эксперталар моддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар, жиноятлар содир этиш воситалари ва уларга тенг миқдордаги мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш учун мусодара қилиш жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсади ва механизми эмас деган хulosага келишган.⁵

Статистик маълумотларга кўра, 2016-2020 йилларда жиноятлар оқибатида етказилган мулкий зарар миқдори **8 трлн. 625 млрд. сўмни** (811 млн. АҚШ доллари) ташкил этган, шундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича аниқланган мулкий зарар **1 трлн. 848 млрд. сўмни** (173,8 млн. АҚШ доллари), шундан жиноий даромадлар эса **651 млрд. сўмни** (61,2 млн. АҚШ) долларини ташкил этган.⁶

Эксперталар фикрига кўра, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан етказилган зарарнинг **80-90 фоизи** тергов ва суд жараёнида ундирилиши таъминланган бўлсада, улар берилган процессуал ваколатлардан мулкни аниқлаш ва хатлаш учун фойдаланиб келишлари, аммо хуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда,

⁵ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 96-97 б.

⁶ Ўша жойда. 97 б.

уларнинг саъй-ҳаракатлари кўпроқ жиноий даромадларни мусодара қилиш ўрнига, жиноятлардан етказилган мулкий зарарни қоплашни таъминлашга қаратилгани таъкидланган.⁷

Бу камчилик авваламбор иқтисодий, коррупцион жиноятлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан «молиявий тергов» олиб боришининг тўғри йўлга қўйилмагани, айrim ҳолларда бу тушунчадан хабардорликнинг мавжуд эмаслиги оқибатида юзга келаётганлигини кўриш мумкин.

Шу сабабли жиноят ишлари юзасидан самарали «молиявий тергов»ни олиб бориш бир неча омилларга эга бўлиб, булар: аниқ вазият, текширув олиб бораётган мутахассиснинг билими ва кўникмасидир.

Шу билан бирга, ушбу тушунчани ўрганишда назарий билимлар муҳим ўрин эгаллайди. Афсуски, ҳозирги кунда «молиявий тергов» тўғрисидаги назарий тушунчалар, қоидаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги ягона сиёsatни амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Шу ўринда, назаримизча биринчи ўринда ушбу муаммо - «молиявий тергов» атамаси билан боғлиқ.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини, тергов ўтказишни тартибга соловчи қонун хужжатларида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, умуман жиноят натижасида олинган, қўлга киритилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни қидириб топиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаларидан бири сифатида кўрсатилмагани терговга қадар текширув, суриштирув ҳамда терговни амалга оширувчи органлар томонидан жиноят натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни аниқлашда сарадорликнинг таъминланмаслигига олиб келиб, фақатгина жиноят ишлари бўйича етказилган зарарни аниқлаш ва ундириш билан чекланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

⁷ Қаранг: Ўша жойда 97-101 б.

Ўз навбатида, ушбу камчилик жиноятларнинг содир этилиш усуллари, пул маблағларини легаллаштириш механизмлари, жиноятларнинг масштаби жиноий гурухларнинг вазифаларини тўлиқ фош этилмаслигига сабаб бўлади.

Шу каби, жиноий йўл билан олинган, қўлган киритилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларнинг аниқланмаслиги ва ноқонуний молиялаштириш манбаларининг ўз вақтида хатланмаслиги, жиноий гурухлар томонидан янги ёки ўхшаш жиноятларнинг содир этилишига замин яратади.

Тадқиқот обьекти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларининг молиявий жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

Шу ўринда, тадқиқот обьекти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, яъни терговга қадар текширув, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини амалга оширувчи органларнинг фаолият йўналишлари бўлиб, қуидагиларда ўз аксини топади:

- давлат фойдасига ўтказилиши ва мусодара қилиниши мумкин бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган воситалар, жиноят нарсалари ва бошқа мол-мулкларни, шу жумладан уларга teng қийматдаги мулкларни аниқлаш ҳамда кузатиб бориш;
- жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш;
- жиноий фаолиятни фош этиш, жиноий схема ва алоқаларни аниқлаш, шунингдек жиноят иштирокчиларини фош этиш;
- иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар ва далилларни аниқлаш.

Юқоридагиларга кўра, тадқиқот обьекти ушбу тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидир.

Тадқиқот предмети жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлар юзасидан молиявий тергов олиб бориш, давлат фойдасига мусодара қилиниши мумкин бўлган жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган воситалар, жиноят нарсалари ва бошқа мол-мулкларни, шу жумладан уларга тенг қийматдаги мулкларни аниқлаш ҳамда кузатиб бориш, жиноят натижасида етказилган заарни қоплаш, жиноий фаолиятни фош этиш, жиноий схема ва алоқаларни аниқлашни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро стандартлар, талаблар, айrim хорижий давлатлар қонунчилиги, амалиёти, илмий-назарий қарашлар ва хуқуқий категориялар.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказишини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун тадқиқот давомида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича «молиявий тергов» тушунчасини ўрганиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича «молиявий тергов» ўтказишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича «молиявий тергов» ўтказиш борасидаги халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ҳамда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали уларни миллий қонунчиликка жорий этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги. Мазкур магистрлик диссертацияси жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов

тушунчаси, молиявий тергов ўтказиш тартиби ва усуллари мавзусидаги назарий ва амалий манбаларга асосланган дастлабки иш ҳисобланади.

Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида молиявий тергов тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий жиноятлар, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича ноқонуний олинган даромадларни аниқлаш, хатлаш ва мусодара қилиш чораларини кўриш борасидаги хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти ёритилган.

Мазкур тадқиқот ишида хорижий олимларнинг молиявий текширувлар назарияси ёритилган фикрлари таҳлил қилиниб, «молиявий тергов» атамасига таъриф берилган, молиявий терговни тартибга солиш соҳасидаги халқаро тажриба ва ушбу тушунчанинг миллий қонунчиликдаги ифодаси ёритиб берилган. Энг муҳими, молиявий терговни амалга оширишнинг долзарблиги, ўзига хос хусусияларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и.

Мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш тартиби, тушунчаси масалалари мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган. Бу тушунча халқаро стандартлар, илмий ёндашувлар асосида ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада халқаро ташкилотларнинг хужжатлари, умумий назарий манбалар, идоравий ва идоралараро норматив хужжатлар мавжуд.

Жумладан халқаро хужжатлар сифатида ФАТФ тавсиялари⁸, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида мамлакатлар қонунчилигини баҳолаш натижалари,

⁸ БМТнинг «Транцмиллий уюшган жиноятчиликка карши Конвенцияси» Нью-Йорк. 15 ноябрь 2000 й.
Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы. Июнь 2012 г. Париж.
Рекомендации ФАТФ: Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 2012 год февраль., МУМЦФМ., 2012.

У.У.Нигмаджанов ва Д.Д.Хамзаевларнинг илмий нашрлари⁹, миллий норматив хужжат сифатида соҳавий бўйруқлар ҳамда идораларо хужжатлар шулар жумласидандир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш тартиби, тушунчаси МДҲ мамлакатлари доирасида В. Теплов¹⁰, И.А. Лебедев¹¹, С.В. Ефимов¹², И.В. Медведев¹³, Н.А. Пименов¹⁴, Н.С. Стаканова, Т.Е. Татаровская¹⁵, А.Н. Бродунов¹⁶, Н.Н. Федотов¹⁷, Е.А. Кондратьева, А.Р. Горюновлар¹⁸ томонидан ўрганилган.

Хориж олимларидан George A. Manning¹⁹, Michael Levi²⁰, Peter Reuter²¹лар ушбу соҳада тадқиқотлар олиб боришиган.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида мавзунинг умумий ва маҳсус жиҳатлари ёритилган бўлса-да, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш тушунчаси яхлит шаклда ўрганилмаган.

Мазкур магистрлик диссертацияси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш

⁹ У.Нигмаджанов, Д.Д.Хамзаев. «Обучение правоохранителей вопросам проведения финансовых расследований – вопрос времени». Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. 4 (40), 2019.

¹⁰ В.Теплов Финансовое расследование, Litres., 2018., Москва.

¹¹ Лебедев И.А., Ефимов С.В. «Финансовые расследования: российская практика и зарубежный опыт». Статья Аудиторские ведомости. 2018. №10.

¹² Ефимов С.В. «Применение механизмов финансовых расследований в деятельности правоохранительных органов». Автореферат. Москва. 2011.

¹³ Медведев И.В. «Компьютерная криминалистика «форензики» и киберпреступность в России». Статья. Пролог, 2013.

¹⁴ Пименов Н.А. «Финансовые расследования: основные подходы». Статья. Вестник Финансовой Академии. 2003. №1 (25)

¹⁵ Стаканова Н.С., Татаровская Т.Е. «Концептуальные основы проведения финансовых расследований». Статья. Гуманитарный научный вестник. 2020. №2.

¹⁶ Ефимов С.В., Бродунов А.Н. «Механизмы финансовых расследований в отечественной практике». Статья. Экономика. №5 2015.

¹⁷ Федотов Н.Н. «Форензики - компьютерная криминалистика». Учебник. М.: Юридический мир. 2007.

¹⁸ Кондратьева Е.А., Горюнов А.Р. «К вопросу о выработке научного определения финансовых расследований». Статья. Вестник Финансовой Академии. 2003 № 1 (25).

¹⁹ George A. Manning. Financial Investigation and Forensic Accounting 3rd Edition. 2011. Taylor and Francis Group/ LLC. NW.

²⁰ Levi, M. & Reuter, P., (2013), Assessments of anti-money laundering and combating the financing of terrorism. (Chicago: American Bar Foundation).

²¹ Reuter, P., and E. M. Truman. 2004. Chasing Dirty Money: The Fight Against Money Laundering. Washington DC: Institute for International Economics.

тушунчаси, молиявий тергов ўтказиш тартиби, усулларига бағишенгандан миллий дастлабки илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот олиб борища қиёсий-хуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантикий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш тушунчаси, молиявий тергов ўтказиш тартиби, усулларини аниклаш учун хизмат қиласди. Тадқиқот иши молиявий тергов тушунчаси, ўтказиш тартиби ҳамда усулларининг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, аҳамиятини ўрганишда фойдалари кўрсатма бўлади.

Шунингдек, диссертацияни соҳадаги дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳолаб, унинг натижаларидан янги тадқиқотлар олиб борища фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида иқтисодий жиноятларининг молиявий жиҳатларини тўлиқ ўрганиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг тўлиқ аникланиши ва хатланиши, мусодара қилинишини таъминлаш, соҳа мутахассисларининг касбий тайёргарлигини оширишга, норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш жараёнига, қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 116 бетдан иборат.

**I БОБ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР
ФАОЛИЯТИДА МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШНИНГ НАЗАРИЙ
ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**1.1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш
ҳолатлари бўйича молиявий тергов тушунчаси, ҳуқуқий асослари ва
шаклланиш босқичлари**

Сўнги йилларда «молиявий тергов» атамаси нафақат хорижий, балки миллий ҳуқуқни қўллаш тизимида ҳам тез-тез учрамоқда.

Хусусан, «молиявий тергов» атамаси **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гурух** (кейинги ўринларда — ФАТФ деб юритилади) ва унинг регионал гурухлари фаолиятида кенг қўлланилмоқда²².

ФАТФга аъзо давлатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг халқаро стандартларга мувофиқлигини ўрганиш бўйича ўтказилаётган баҳолаш жараёнларида, тренинг ҳамда семинарларда миллий тузилмаларнинг мутахассислари, масъул ходдимлари «молиявий тергов» тушунчаси тўғрисида билим ва кўникмаларга эга бўлишмоқда.²³

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки **«молиявий тергов»** тушунчаси фанда тўлиқ ўрганилмаган, унга аниқ таъриф берилмаган бўлса, қонунчиликда ҳам меъёрий равишда белгиланмаган.

ФАТФ томонидан тавсияларнинг қайта кўриб чиқилишида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишини молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6252-сон Фармони., *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон.*

²³ Теплов В. Финансовое расследование, Litres., 2018., Москва., 3-6 б.

молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг амалий компонентларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу сабабли молиявий тергов тушунчасининг пайдо бўлиш тарихини жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан ҳамоҳанг кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси XX асрнинг 20-йилларида АҚШда пайдо бўлиб, Чикаго гангстери Альфонсе (Аль) Капоне фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади.²⁴

АҚШ Конституциясига 1920 йилда киритилган 18-тузатишга қўра, ушбу модда ратификация қилинганидан бир йил ўтгач, спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ташиш, уларни АҚШ ҳудудида ва унинг юрисдикциясидаги барча ҳудудларда истеъмол қилиш учун олиб кириш ва экспорт қилиш тақиқланган.²⁵

Мазкур қонуннинг амалга киритилиши аҳолининг ўрта синфи томонидан салбий қарши олиниб, спиртли ичимликларни яширин ишлаб чиқарилиши, муомалага киритилиши ҳамда контрабандасининг пайдо бўлишига олиб келди. Оқибатда «қора бозорда» алкоголли маҳсулотларнинг юқори нархлардаги савдоси авж олди.

Бу ноқонуний фаолият билан кўплаб ташкилотлар яшириш шуғуллана бошлишиб, миллион долларлаб фойда кўришиб, охир-оқибат коррупция, порахўрлик ва бандитизм²⁶ жиноятларининг содир этилиши мисли кўрилмаган даражада ошган.

Ўз навбатида, уюшган гурухлар, жиноий уюшмаларда олинган жиноий даромадларни қонуйи муомалага киритиш, яъни ушбу маблағларни «тозалаш», «ювиш» эҳтиёжи вужудга келди.

²⁴ Шашкова А.В. Зарождение понятия «легализация» (отмывание) доходов, полученных преступным путем. Вестник МГИМО-Университета. 2011;(3(18)): 272 б. <https://doi.org/10.24833/2071-8160-2011-3-18-272-274>

²⁵ Конституция Соединенных Штатов Америки. 1787 г. // <https://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnstUS.htm>.

²⁶ Бандитизм – жиноят ҳуқуқида бу жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги асосларига тажовуз қиладиган энг хавфли жиноятлардан биридир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бошқа шахсларга ҳужум қилиш мақсадида қуролли тўдалар ташкил этишдан иборат, ёки шахслар, шунингдек бундай гурухга (тўдага) раҳбарлик қилиш ёки гурухда ёки у томонидан содир этилган ҳужумларда иштирок этиш. // Экономика и право: словарь-справочник. — М.: Вуз и школа. Л. П. Кураков, В. Л. Кураков, А. Л. Кураков. 2004. 826 б.

Альфонсе (Аль) Капоне раҳбарлик қилган жиной уюшма томонидан алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласидан олинган жиной даромадлар кир ювиш фаолиятини амалга оширувчи корхоналар тизимидан тушган нақд пул тушумига қўшилиб, ноқонуний даромадларга қонуний тус бериш бошланди. Шу тариқа «**money-laundering**», яъни «**пул ювиш**» атамаси пайдо бўлди.

Кейинчалик, Аль Капоне қисматидан қочиш учун 1931 йилда АҚШда Мейер Лански ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифасини бир мунча қийинлаштириди, яъни у солиқ тўловларини тўлашдан қасдан бўйин товлаш, ноқонуний даромадларини легаллаштириш учун банк сирини тартибга солувчи Швейцария қонунчилигидан фойдаланиш мақсадида 1934 йилда швейцария банкларидан бирини сотиб олди.

Шундан сўнг, М.Лански АҚШда қимор ўйинларини ташкил этиш, наркотик савдоси, фоҳишахона ташкил этиш, товламачилик ва бошқа жиноятлар орқали топган жиной даромадларини ушбу банкка кирим қилган.

Бироқ, швейцария банкидаги ушбу пулларни қидириб топиш фақатгина солиқ идоралари учунгина эмас, балки М.Ланскига ҳам ушбу пуллардан фойдаланишда бир қатор қийинчиликларни туғдирди, сабаби пуллардан фойдаланиш учун уларнинг келиб чиқишига дастлаб қонуний тус бериш ва кейинчалик АҚШда фойдаланиш эҳтиёжи мавжуд эди.

Шу сабабли, 1937 йилда М.Лански Гаванадаги «Nacional» меҳмонхонаси казиносида бир нечта ўйин столлари учун франшиза сотиб олади. Сўнгра, 1930-1950 йилларда Кубадаги коррупцион тузумдан фойдаланиб, трансмиллий жиной уюшма ташкил қиласи.

Хусусан, АҚШдаги жиной фаолиятдан олинган ноқонуний даромадлар, олдинроқ Швейцария банкига кирим қилинган маблағлар Гаванага ўтказилиб, казинолар ёрдамида легаллаштирилиб, гўёки киритилган хорижий сармоялардан олинган қонуний фойда кўринишида АҚШга қайтарилади.

Бироқ, жиноий даромадларни легаллаштириш, ёки «пул ювиш» термини М.Лански томонидан ҳам ишлатилмаган, бу термин кейинчалик биринчи бор британиянинг «The Guardian» газетасида «Уотергейт жанжали» (Уотергейтский скандал) номи билан чоп этилган мақолада ишлатилди.²⁷

Ушбу атама АҚШ Президенти Ричард Никсоннинг сайлов кўмитаси иштирокчилари томонидан сайлов компанияси тадбирларини молиялаштириш учун пул маблағларидан фойдаланиши натижасида пайдо бўлди.

Чунончи, Никсоннинг сайлов компанияси иштирокчилари Мексикага 200 минг АҚШ доллари микдоридаги пулларни гўёки хайрия сифатида ўтказишиб, кейинчалик ушбу маблағларни Майамидаги фирма орқали АҚШга қайтаришган ва сайлов компанияси тадбирлари учун сарфлашган.

Ушбу маблағлар нафақат сайлов компаниясининг расмий тадбирларини молиялаштириш учун балки, демократлар партиясининг Вашингтондаги штаб-квартирасига овоз эшишиш воситаларини ўрнатиш ва партиянинг сайлов компанияси жараёнини эшишишни ташкил этиш ҳаражатлари учун ҳам сарфланган.

Шундай қилиб, пул маблағларини легаллаштириш атамаси XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, шундан эътиборан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Шу тариқа, Ғарб малакатларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларини самарали тергов қилиш учун полиция бўлинмаларида «**молиявий тергов**» грухлари ташкил этила бошланди. «**Молиявий тергов**» атамаси жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар лугатида фаол қўлланила бошланди²⁸.

²⁷ Safire W. Safire's New Political Dictionary. Random House. N.Y. 1993.

²⁸ Пименов Н.А. Финансовые расследования: основные подходы. Вестник Финансовой Академии. 2003. №1 (25). 29 б.

Ўз навбатида, ФАТФ томонидан ушбу йўналишдаги вазифалардан бири сифатида «молиявий тергов»ни самарали олиб бориш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг функциялари, масъулияти, ваколатлари ва воситаларини кенгайтириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига доир тавсияларни (30 ва 31-тавсиялар) кучайтириш белгиланди.

Натижада, ФАТФ тавсияларига ўзгартиришлар киритилиб, «**молиявий тергов**» атамаси пайдо бўлди ва бу атамага жиной фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш сифатида таъриф берилди.²⁹

Молиявий терговнинг асосий мақсади жиной фаолиятни амалга ошириш жараёнида пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар ҳаракатини, уларнинг келиб чиқиши манбаси, қачон қўлга киритилганлиги ва жиной фаолият билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда расмийлаштиришдан иборатлиги белгиланди.

Зеро жиной фаолиятнинг масштабини аниқлаш, жиной алоқалар ва гурухлар фаолиятини фош этиш, мусодара қилиниши лозим бўлган жиной даромадларни, терроризмни молиялаштириш манбаларини қидириш, шунингдек жиноят содир этилганлигини исбот қилувчи бошқа далилларни топиш, тизим самарадорлигини таъминлашнинг асосидир.

ФАТФ тавсиялари турли кўринишдаги ҳуқуқ тизимлари, оиласлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун молиявий терговни олиб боришда умумий раҳбарий кўрсатмалар ҳисобланади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2005 йил 29 июлдаги мажлисида қабул қилинган 1617 (2005)-сон резолюцияда ҳам барча мамлакатларга ФАТФ тавсияларига риоя этишлари юзасидан тавсиялар берилган³⁰.

²⁹ Рекомендации ФАТФ: Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 2012 год февраль., МУМЦФМ., 2012., 141 б.

³⁰ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 29.07.2005 йилдаги 1617 (2005)-сон резолюцияси. // <https://eurasiangroup.org/ru/un-security-council-resolutions>.

Натижада бугунги кунда ФАТФнинг янгиланган стандартларида молиявий тергов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири сифатида тан олинди³¹.

«Молиявий тергов» ўтказиш борасида миллий қонунчиликнинг ривожланиш босқичларини ўрганадиган бўлсак, юқорида қайд этилган халқаро нормалар ва тавсиялардан келиб чиқиб, дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660-П-сон-сонли Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Қонунда жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, операцияларни тўхтатиб қўйиш тушунчаларига таъриф берилди, ички назорат қоидалари, маҳсус ваколатли органи, унинг вазифалари ҳамда ваколатлари белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу Қонун ижросини таъминлаш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи 16 та ташкилот ва касб эгалари учун ички назорат қоидалари тасдиқланиб, мижозларни лозим даражада текшириш, шубҳали операциялар бўйича хабар бериш каби асосий вазифаларни амалга ошириш механизмлари яратилди.

Мисол учун, «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича

³¹ Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы., Июнь 2012 г., Париж. 11-14 б.

ички назорат Қоидалари» тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкини ишга солмай тұхтатиб қўйиш, ушбу мол-мулқдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартибини белгилайди³².

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 ноябрдаги «Жиной даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё груҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ЎРҚ-307-сон Қонунининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишида катта аҳамият касб этди.

Зеро мазкур битимнинг ратификация қилиниши Ўзбекистонга жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида битимда белгиланган мажбуриятларни бажариш вазифасини юклади.

Битим ижросини таъминлаш борасида, «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон Қонуни қабул қилиниб, жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси янги таҳрирда баён этилиб, ЖҚда берилган таърифга

³² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги «Тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.12.2021 й., 10/21/2886-8/1201-сон.

мувофиқлаштирилди, махсус ваколатли давлат органининг ваколат доираси кенгайтирилди.

Хусусан, махсус ваколатли давлат органига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиш түғрисидаги қонунчилик талабларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш, қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, чет давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан келишувлар тузиш ваколатлари берилди.

Бундан ташқари, тергов ва суд амалиётида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2011 йил 11 февралда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сон қарори қабул қилиниб, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар тушунчаси берилди, қилмишни ЖКнинг 243-моддаси билан квалификация қилишнинг мезонлари ёритилди.

Кейинчалик мазкур Пленум қарорига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 10 июндаги 23-сонли қарорига асосан бир қатор ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Хусусан, ФАТФ тавсияларидан келиб чиқиб, асосий жиноятлар тушунчасига таъриф берилиб, уларнинг тоифаси белгиланди.

Бундан ташқари, ФАТФнинг 15-Тавсиясига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига криpto-активлар (криpto-валюта) ҳам киритилди.

Даромадларни легаллаштиришдан олинган мол-мулк жиноят предмети ҳисобланиши, жисмоний ёки юридик шахсга асосий жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганидан сўнг, мусодара қилиниши лозимлиги қайд этилди.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиш орқали миллий қонунчилик тизимининг ривожланиш босқичлари, қай даражада халқаро стандартларга мувофиқлигига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Молиявий тергов олиб боришни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуенинг қабул қилиниши ҳисобланди.

Зеро мазкур қонунда, халқаро стандартларда белгиланган «моливий тергов» ўтказишнинг усуllibаридан бири бўлган тезкор-қидирав тадбирларининг вазифалари, турлари, уларни ўтказиш тартиби, ТҚФни амалга оширувчи органлар доираси, уларнинг вазифлари белгиланди.

Ушбу тезкор-қидирав тадбирлари тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, далилларни тўплашга қаратилган бўлиб, тўлиқ молиявий терговни амалга ошириш механизмларидан бири ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ТҚФ материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Ўтказилган тезкор-қидирав тадбирлари натижалари ЖПКга мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин, шу сабабли, молиявий тергов ўтказишнинг яна бир қонуний асосларидан бири Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳисобланади.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 22-моддасига асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва

суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Бу функциялар ЖПКнинг 87-моддасига асосан далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш - гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтуб, кўздан кечириш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш ва бошқа тергов ҳаракатлари, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

«Молиявий тергов»нинг асосий элементи бу жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далилларни тўплаш ҳисобланиб, ЖПКда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг процессуал тартиби белгиланган.

Шу билан бирга жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, мол-мулкни аниқлаш ва мусодара қилиниши таъминлаш мақсадида хатлаш чораларини кўриш молиявий терговнинг асосий босқичларидан бири саналади.

Дарҳақиқат ЖПКнинг 203-212-моддаларига асосан бевосита жиноят содир этилишида фойдаланилган, жиноятга алоқадор бўлган нарсалар, ашёлар, маблағлар, пуллар ашёвий далиллар ёки жиноят қуроли деб эътироф этилиши, кейинчалик жиноий йўл билан ортирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга ўтказилиши, мулкий зарар кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

ЖПКнинг 290-моддаси асосан ашёвий далил сифатида эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулки хатланиши мумкин.

Шунингдек, ашёвий далиллар шикастланган ёки йўқолган бошқа барча ҳолларда уларнинг қиймати зарар келтириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир фуқаровий қонунчилик қоидаларига мувофиқ ундирилиши лозим.

Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сонли қарорида эса келтирилган тушунтиришларга кўра, гумонланувчи ва айбланувчига тегишли, учинчи шахсларда бўлган мол-мulkка ҳам, башарти иш бўйича иш юритиши давомида ушбу мулк амалда гумонланувчи ёки айбланувчига тегишли деб хисоблашга етарли асослар бўлса, тақиқ солиниши мумкин.³³

ЖПК номаларига асосан ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мulkни олиб қўйиш, сақлаш, сотиш, йўқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабря рўйхатдан 2174-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд мухокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мulkни олиб қўйиш (қабул қилиш), хисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорида белгиланган тартибга асосан амалга оширилади.³⁴

Молиявий тергов ўтказиш самарадорлигини ошириш, бу борада ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқук ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида»ги 129-сонли буйругини алоҳилда таъкидлаш жоиз.

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги «Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 26-сон қарори. // <http://old.lex.uz/docs/3115385>.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабря рўйхатдан 2174-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд мухокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мulkни олиб қўйиш (қабул қилиш), хисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. // [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 21.10.2021 й., 10/21/2174-2/0988-сон](http://old.lex.uz/docs/3115385).

Чунки ушбу соҳавий буйруқда молиявий тергов ўтказиш борасида қонун хужжатларида белгиланган нормаларни қўллаш механизмлари ёритиб берилди.

Кейинчалик, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича молиявий терговни амалга оширувчи хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолият самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда бир хил амалиётни шакллантириш мақсадида Бош прокурор, Ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан 2021 йил 20 майда «Тезкор-қидирав, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш жараёнида жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш тартиби тўғрисида»ги Кўшма кўрсатма тасдиқланди.

Кўрсатмада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини мустаҳкамлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, предикат жиноятлар ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ишларни фош этиш ҳамда тергов қилиш самарадорлигини ошириш, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, жиноий даромадлар, молиялаштириш манбалари ва бошқа мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқлаш ҳамда хатланиши тартибга солинди.

Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири ва Давлат божхона қўмитаси раисининг 2021 йил 29 октябрдаги қарори билан «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида параллел молиявий тергов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомда тезкор-қидирав, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари давомида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини, уларга алоқадор шахсларни ҳамда мусодара қилинадиган мол-мулкни аниқлаш мақсадида параллел молиявий терговни ўтказиш тартиби белгиланди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 28 июнда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш түғрисида»ги ПФ-6252-сонли Фармоннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини таъминлашдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Стратегияда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиларни камайтириш, миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, ФАТФ тавсияларининг миллий қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини, жиноятларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, давлат органлари фаолият самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, соҳага жалб этилган давлат органлари ходимлари касб маҳоратини ошириш асосий йўналишлар сифатида белгиланди.

Фармонга асосан стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Йўл харитаси тасдиқланиб, миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонун ҳамда норматив ҳужжатлар рўйхати шакллантирилди, фаолият самарадорлигини таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, ижро муддатлари ҳамда масъул ижрочилар белгиланди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 402-сон Қарори қабул қилиниб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ушбу қарор билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин

қуролини тарқатишин молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан юқоридаги жиноятларга қарши курашишда қонунчилик хужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Ушбу Низомларнинг қабул қилиниши жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишда муҳим механизм ҳисобланади.

Эътиборлиси, охирги йилларда Ўзбекистон Республикасида молиявий тергов тушунчаси, амалга ошириш тартибини белгилаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, халқаро эксперtlар, хусусан жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё груҳи (ЕОГ), БМТнинг наркотиклар ва жиноятчиликка қарши бошқармаси, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти эксперtlари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш жиноятлари бўйича молиявий тергов олиб бориш тартиби, бу борада самарали идоралараро ҳамкорликни ўрнатиш мавзуларида бир қатор семинарлар, тренинглар ташкил этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизими 2021 йилнинг 14 июнь - 2 июль кунлари Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё груҳи эксперт-баҳоловчилари томонидан ўрганилиб, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш, миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш, борасида самарали натижаларга эришилгани таъкидланди.

1.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан молиявий тергов ўтказишдаги халқаро стандартлар

Таъкидлаш жоизки, пул маблағларини легаллаштириш зарурияти иккита асосий мезондан келиб чиқади. Биринчиси, жиноий даромадларнинг изи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчига етаклаши мумкин. Иккинчиси, ҳукуқбузар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эътиборига тушса, ноқонуний равиша олинган капиталини йўқотиши мумкин.

Шунинг учун ҳам яширин фаолиятнинг бир қисми сифатида олинган маблағлар кўпинча чет элга ўтказилади, кейин эса халқаро тўлов тизимлари орқали қайта ўтказилади. Ушбу усуллар жиноий йўл билан олинган даромадлар келиб чиқишининг ҳақиқий манбаларини аниқлашни қийинлаштиради. Бошқача айтганда, капиталнинг хорижга ноқонуний чиқиб кетишини рағбатлантиришда иқтисодиётнинг яширин сектори катта рол ўйнайди.

Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш халқаро молиявий тизимлар учун жуда катта муаммо ҳисобланади. Охирги 10-15 йил ичida глобализации жараёнлари таъсирида молия тизими ҳам ўзгарди.

Шу билан бирга, бир томондан, глобаллашув бозор иқтисодиётининг шаклланишига ёрдам беради, бу эса турмуш даражасининг, мамлакатлар ўртасидаги хизматлар ҳажмининг ошишига, молия тизимининг ривожланишига, ишсизликнинг қисқаришига, товар айирбошлашнинг кенгайишига олиб келади.

Аммо, бошқа томондан, глобаллашув шароитида жиноятчилар учун ноқонуний фаолиятдан олинган даромадларни яшириш ва бу маблағларни қонунийлаштириш учун давлатлар чегараларидан ўтказишни осонлаштириди.

Жиноий мақсадларга эришиш учун тажовузкорлар бошқа мамлакатлардаги банклар билан вакиллик муносабатларига эга бўлган банклардан фойдаланадилар. Кун давомида бир нечта мамлакатлардаги банк ҳисоб рақамлари орқали пул ўтиши мумкин. Банклар учун, масалан, офшор

зонадан олинган пул маблағлари ёки банк томонидан сотиб олинган мулкнинг ҳақиқий эгасини аниқлаш қийинлашмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш шунчалик кенг тарқалдики, у ҳар қандай давлат ва ҳатто дунёning алоҳида минтақалари учун молиявий ва иқтисодий зарбалар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шундай қилиб, Халқаро Валюта Жамғармасининг маълумотларига кўра, ҳар йили турли жиноятлар натижасида олинган жиноий даромадлар ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **2-5 фоизини** ташкил қиласиди.³⁵

Шу сабабли жаҳон ҳамжамияти томонидан жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, жиноий йўл билан олинган даромадларни хатлаш, давлат фойдасига мусодара қилиш борасида қатъий чоралар кўриш зарурияти туғилди.

Авваламбор, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини, пул маблағларини ноқонуний товар айланмасидан чиқариш, хатлаш ҳамда давлат фойдасига мусодара қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш лозим эди.

Шу сабабли, илк бор уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича АҚШ Президент комиссияси томонидан «жиноий даромадларни легаллаштириш» - бу даромаднинг мавжудлигини, ноқонуний келиб чиқишини ёки ноқонуний ишлатилишини яширадиган ва ниҳоят, унинг қонуний келиб чиқиши бўйича ғояни яратишга қаратилган фаолият деб таъриф берилди.

Ушбу таъриф ўтган асрнинг 80-йилларида ўзининг қонуний асосини топди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясининг 1-моддасида **«даромадлар»** тўғридан-тўғри ёки билвосита

³⁵ The amounts and the effects of money laundering. Report of the Utrecht School of Economics for the Ministry of Finance of the Netherlands, February 16, 2006.-Б 5.

// https://www.mauriziotorco.it/bddb/2006_02_16_the_amounts_and_.pdf.

қонунга мувофиқ жиноят содир этиш натижасида олинган ёки сотиб олинган ҳар қандай мулкни англатиши белгиланди.³⁶

Шунингдек ушбу Конвенцияда ҳар бир мамлакат, шунингдек, ўз ваколатли органларига кейинчалик мусодара қилиш мақсадида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, мол-мулк, маблағлар ёки бошқа нарсаларни аниқлаш, қидириш ва хатлаш ёки мусодара қилиш имконини бериш учун зарур бўлган чораларни кўриши лозимлиги белгиланди.

Ушбу моддада қўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир мамлакат ўз ваколатли органларига банк, молиявий ёки тижорат ҳужжатларини тайёрлаш ёки олиб қўйиш тўғрисида қўрсатма бериш ҳуқуқини беради.

Ушбу нормалар «молиявий тергов» тушунчасини ўзида акс эттирган дастлабки стандартлар ҳисобланиб, кейинчалик бу атама бошқа халқаро тавсиялар ва ҳужжатларда янада кенгроқ баён этилди.

Европа Кенгашининг 1990 йилдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳақида»ги Страсбург Конвенциясида ҳар бир мамлакат жиноий даромадлар, воситалар ёки даромад қийматига teng бўлган миқдордаги мол-мулкни мусодара қилиш учун қонуний чораларни кўриши лозимлиги белгиланди.³⁷

Шунингдек мамлакатлар, уларнинг ваколатли органларига ноқонуний даромадлар, воситалар ва бошқа мол-мулкларни мусодара қилиш мақсадида банк, молия ва бошқа ҳужжатларга тақиқ қўйиш ҳуқуки берилиши лозимлиги белгиланди.

Банк сирига ишора қилиниб, ушбу талабларни бажаришда бўйин товлашга йўл қўйилмайди.

Ушбу Конвенциянинг 4-моддасида ҳар бир мамлакат жиноий даромадларни аниқлаш ва қидириш ҳамда тегишли далилларни тўплашни

³⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси. 1988.

³⁷ Европа Кенгашининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳақида»ги Страсбург Конвенцияси. 1990.

осонлаштириш учун махсус тергов усулларидан фойдаланиш имконини берадиган қонунчилик ва бошқа зарур чораларни кўриш масаласини кўриб чиқиши, бу усуллар назорат қилиш, кузатувга олиш, телекоммуникациялар орқали алоқаларни эшлиб туриш, компьютер тизимларига кириш ва муайян хужжатларни тайёрлаш бўйича қарорларни ўз ичига олиши мумкин.

Ушбу қоида «молиявий тергов» тушунчасини ўзида акс эттирган дастлабки халқаро стандарт ҳисобланади.

Евropa Иттифоқи Кенгашининг 10.06.1991 йилдаги 91/308/EEC-сон «Молиявий тизимлардан жиной даромадларни легаллаштириш мақсадида фойдаланишни олдини олиш тўғрисида»ги директивасида молия ва кредит ташкилотларига шубҳали операцияларни аниқлаш, тўхтатиб туриш, бу ҳақдаги маълумотларни ваколатли органларга тақдим этиш борасида мажбуриятлар юкланди.

Хусусан, директиванинг 7-моддасида аъзо давлатлар кредит ва молия институтлари ваколатли органлар хабардор қилинмагунча жиной даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ бўлан ёки шубҳали бўлган операцияларни амалга оширмасликларини таъминлашлари белгиланди.

Шунингдек, ваколатли органлар ушбу операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан кредит ва молия ташкилотларига кўрсатма юбориши мумкин.

Молия ва кредит ташкилотлари шубҳали операция тўғрисида ваколатли органга хабар берилганлигини мижоз ёки учинчи шахсларга ошкор қиласликлари лозим.

БМТнинг «Транцмиллий уюшган жиноятчиликка қарши» Конвенцияси жиной фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, хатлаш, мусодара қилиш, бу борада назорат ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаларини белгиловчи асосий халқаро хужжатлардан бири саналади.³⁸

Чунки Конвенцияда трансмиллий жиноятлар тоифаси, жиной даромадлар, уларни хатлаш, олиб қўйиш, мусодара қилиш, жиной

³⁸ БМТнинг «Транцмиллий уюшган жиноятчиликка қарши» Конвенцияси. 2000. (Сборник международных договоров Республики Узбекистан, 2004 г., № 1). // <http://old.lex.uz/docs/1304566>.

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаларига таъриф берилди, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг чоралари белгиланди.

Чунончи, Конвенциянинг 2-моддасида жиноий фаолиядан олинган даромадлар, мол-мulkни хатлаш, олиб қўйиш, мусодара қилиш, асосий жиноятлар тушунчаларига таъриф берилди, 6-моддасида ҳар бир давлат ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, қасдан содир этилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик белгилаши таъкидланиб, ушбу турдаги жиноятлар тоифаси белгиланди.³⁹

Конвенциянинг 7-моддасида молиявий тергов механизмлари сифатида қўйидагилар белгиланди:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг барча шаклларини олдини олиш ва аниқлаш мақсадида банклар ва нобанк молия институтлари, шунингдек, зарур ҳолларда жиноий даромадларни легаллаштиришга алоҳида мойил бўлган бошқа органлар учун комплекс ички тартибга солиш ва назорат қилиш тартибини ўрнатиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва бундай мижозни идентификация қилиш тизими жорий этилиши, ушбу тизим ҳисбот бериш ва шубҳали операциялар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш талабларига асосланиши лозим;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашувчи маъмурий, тартибга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар (шу жумладан, ички қонунчиликка мувофиқ суд тизими) миллий ва халқаро даражада ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашиш имкониятига эга бўлишлари, шу мақсадда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг мумкин бўлган ҳолатларига оид маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият юритувчи молиявий разведка бўлимини ташкил этиш.

³⁹ Ўша ерда.

Конвенциянинг 12-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни хатлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш борасидаги стандартлар, яъни иштирокчи давлатлар ўзларининг ички ҳуқуқий тизимлари доирасида қўйидагиларни

- ушбу Конвенцияда назарда тутилган жиноятлардан олинган даромадлар ёки шу даромадлар қийматига мос келадиган мулк;

- жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган мулк, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситаларни мусодара қилиш учун зарур бўлган чораларни кўришлари лозим.

Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар юқорида баён этилган мол-мулкни аниқлаш, қидириш, олиб қўйиш учун зарур бўлган чораларни кўрадилар.

Агар жиноий фаолиятдан олинган даромадлар тўлиқ ёки қисман бошқа мулкка айлантирилган бўлса, бундай мулкни олиб қўйиш ва мусодара қилиш чоралари қўлланилади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадлардан, улар қўшилган мол-мулқдан ёки мулкка айлантирилган мол-мулқдан фойдаланилиши натижасида олинган фойда, наф ҳам жиноий даромад ҳисобланади ва мусодара қилиниши лозим.

Шунингдек, ушбу Конвенцияда назарда тутилган жиноятларнинг барча жиҳатлари юзасидан ишончли ва тезкор маълумот алмашишни тъминлаш учун ваколатли органлар, назорат идоралари ўртасида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ҳамда ўрнатиш чораларини кўрилиши лозим.

Ҳамкорликнинг асосий мақсади қўйидагиларни аниқлаш ҳисобланади:

1) жиноятларни содир этишда гумон қилинаётганларнинг шахси, жойлашган жойи ва фаолияти ёки бошқа иштирокчиларнинг жойлашган жойи;

2) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ёки бундай жиноятлар натижасида олинган мол-мулкнинг ҳаракатланиши;

3) бундай жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк, асбоб-ускуналар ёки бошқа воситаларнинг ҳаракатланиши.

Шу каби, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларига қарши курашиш тўғрисидаги нормалар мавжуд бўлиб, 14-моддасида пул маблағларини легаллаштиришнинг олдини олиш бўйича тегишли чоратадбирлар белгиланган.

Ушбу нормаларга асосан ҳар бир давлат банклар ва молия муассасаларига нисбатан, шу жумладан пул маблағлари ёки қимматликларни ўтказиш билан боғлиқ расмий ёки норасмий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан ҳамда тегишли ҳолларда, пул маблағларини легаллаштиришнинг барча шаклларини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида кенг қамровли ички тартибга солиш ва назорат қилиш режимини белгилайди.

Шу билан бирга бундай режим, биринчи навбатда, **мижоз шахсини аниқлашга оид талабларга ва тегишли ҳолларда мулкдор-бенифициарни идентификация қилиш, ҳисботни юритиш ва шубҳали операциялар тўғрисида хабарларни тақдим** этишга асосланади.

Юқоридаги нормалар орқали халқаро стандартларда пул маблағларининг ҳақиқий эгасини аниқлаш, шубҳали операциялар тўғрисидаги маълумотлар тўғрисида ваколатли идораларга маълумот тақдим этиш тизимини жорий этиш борасидаги тавсиялар берилган.

Шунингдек, пул маблағларини легаллаштиришга қарши куаш олиб бораётган маъмурий, тартибга соловчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлар миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашишга қодир бўлишлари, шу мақсадларда кузатилиши мумкин бўлган пул маблағларини легаллаштириш ҳолатларига доир ахборотни йигиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият

юритадиган молиявий тезкор ахборот бўлинмасини таъсис этиш ҳақидаги масала кўриб чиқилиши белгиланган.

Ушбу норма давлат томонидан миллий қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни мониторинг қилувчи, молиявий таҳлилни амалга оширувчи маҳсус ваколатли органни жорий этишни белгилайди.

Шу каби, давлатлар, ахборотдан тегишли даражада фойдаланишини таъминлашга қаратилган кафолатларга амал қилиш ҳамда қонуний активлар харакатланишига ҳеч қандай тўқянлик қилмаслик шарти билан, нақд пул маблағлари ва тегишли айланма маблағлар харакатланиши бўйича назорат олиб бориш чораларини кўриб чиқадилар.

Молия муассасалари, шу жумладан пул маблағларини ўтказиш муассасалари томонидан маблағларни электрон шаклда ўтказиш билан боғлиқ хабарларга жўнатувчи тўғрисида аниқ ва мазмунли маълумотларни киритишлари, бундай ахборотни тўловни амалга оширишнинг бутун занжири бўйлаб сақлаб туришлари, жўнатувчи тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаган вазиятда эса ўтказилган маблағларнинг чуқурлашган текширувини амалга ошириш зарур.

Конвенцияда давлатларга минтақавий, минтақаларо ва кўп томонлама ташкилотларнинг пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган нормаларга амал қилиш тавсия этилган.

Хусусан, Конвенциянинг 23-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти тушунчаси, 31-моддада эса амалиётларни тўхтатиб қўйиш, мол-мулкни хатлаш ва мусодара қилиш тартиби белгиланди.

Ушбу қоидаларга мувофиқ, ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган максимал даражада қуйидагиларни мусодара қилиш имкониятини таъминлашни талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

а) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-харакатлар орқали олинган даромадлар ёки ушбу даромадлар қийматига тенг бўлган мол-мулк;

б) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-харакатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, ускуналар.

Хар бир иштирокчи давлат кейинчалик мусодара қилиш мақсадида мазкур жиноий даромадларни аниқлаш, қузатиш, вақтинча тўхтатиш ёки хатлаш имкониятини таъминлаш учун тегишли чораларни қўради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун иштирокчи давлатлар ўзларининг ваколатли органларига банк, молиявий ва тижорат ҳужжатларини хатлаш ёки тақдим этиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш ваколатини беради.

Юқоридаги халқаро нормалардан кўриниб турибдики, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифалардан бири сифатида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар бўйича самарали молиявий терговни ўтказишлари учун уларнинг функциялари, мажбуриятлари ҳамда ваколатлари доирасини белгиловчи стандартларнинг аҳамиятини кучайтириш белгиланди.

Бироқ, ушбу нормаларда **молиявий тергов** тушунчасига **аниқ таъриф берилмаган**, амалга ошириш тартиби, механизимлари белгиланмаган.

Натижада, бугунги кунда ФАТФнинг янгиланган тавсияларида молиявий тергов хукуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли бўлган тавсияларнинг асосий элементи сифатида тан олинди.⁴⁰

ФАТФнинг 30-тавсияси хукуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларининг мажбуриятларига бағишлиланган бўлиб, унда жиноий даромадларни легаллаштириш, асосий жиноятлар ва терроризмни молиялаштириш жиноятлари бўйича молиявий терговни ўтказиш орқали, дастлабки терговни тўлиқ ҳамда сифатли олиб борилиши учун масъул бўлган

⁴⁰ Руководство ФАТФ по финансовым расследованиям: оперативные вопросы. Июнь 2012 г. Париж., 8-бет.

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар доираси белгиланиши лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мамлакатлар мусодара қилиниши лозим ёки мумкин бўлган мол-мулкни қидириб топиш, хатлаш ва тақиқ қўйиш ваколатига эга бўлган ваколатли органларни жорий этишлари шартлиги белгиланди.

ФАТФ тавсияларида таърифланишича, «**молиявий тергов**» атамаси жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганишни англатади.

Молиявий терговнинг асосий мақсади жиноий фаолиятни амалга ошириш жараёнида пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар ҳаракатини, уларнинг келиб чиқиши манбаси, қачон қўлга киритилганлиги ва жиноий фаолият билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда ушбу жараённи расмийлаштиришдан иборат.

Жиноий фаолиятнинг масштабини аниқлаш, жиноий алоқалар ва гурухлар фаолиятини фош этиш, мусодара қилиниши лозим бўлган жиноий даромадларни, терроризмни молиялаштириш манбаларини қидириш, шунингдек жиноят содир этилганлигини исбот қилувчи бошқа далилларни топиш тизим самарадорлигини таъминлашга асос бўлади.

ФАТФ тавсиялари турли кўринишдаги хуқуқ тизимлари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун молиявий терговни олиб боришда умумий раҳбарий кўрсатмаларни белгилайди.

Тавсияларга кўра, молиявий терговнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- жиноий даромадлар, мол-мулкларни қидириб топиш, зарурият туғилганда уларни хатлаш ва тақиқ қўйиш;
- зарурият туғилганда жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича жиноят ишлари қўзғатиш;
- жиноятнинг молиявий ва иқтисодий жиҳатларини аниқлаш, трансмиллий жиноятларга барҳам бериш, ушбу турдаги жиноятларнинг турлари ва ўзига хос хусусиятлари бўйича зарур билимларга эга бўлиш;
- жиноят иши бўйича далилларни тўплаш.

Молиявий тергов жиноий тақибни амалга ошириш, жиноятчиларни жиноий даромадлар ва жиноят содир этиш воситаларидан маҳрум қилиш мақсадида мавжуд барча маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Одатда жиноятчилар ўз даромадлари, мол-мулклари устидан маълум даражада назорат олиб боришини хоҳлашади, шу сабабли молиявий ҳужжатлар орқали молиявий оқимларни аниқлаш имконияти мавжуд. Бу эса ўз навбатида жиноятни фош этишдаги асосий далиллар ҳисобланади.

Ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг молиявий тергов ўтказиш қобилияти, молиявий ва бошқа маълумотларни қўлга кирита олиши, асосий жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш, ҳамда террозимни молиялаштириш жиноятларига қарши курашишда зарурӣ шартлар ҳисобланади.⁴¹

Молиявий тергов муқаддам фош этилмаган асосий жиноятлар, жиноятни содир этган шахслар ва жиноий гурӯхларни аниқлашда восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда, асосий жиноятлар деганда жиноий даромад олиш билан боғлиқ ҳар қандай қилмишлар тушунилади⁴².

Таъкидлаш жоизки, молиявий характердаги, яъни банк айланмалари, ҳисоб-рақамларидаги маблағлар ва мол-мулк билан боғлиқ бўлган маълумотлар шахсий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, ушбу маълумотлардан фойдаланиш маҳфийликни талаб этади.

Шу муносабат билан молиявий тергов ўтказиш учун ваколатли бўлган органлар шахсий хуқуқ ҳамда эркинликлар тўғрисидаги қонунчилик талабларидан хабардор бўлишлари талаб этилади.

ФАТФ тавсияларига кўра, ҳар бир мамлакатда асосий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни

⁴¹ Рекомендации ФАТФ: Международные стандарты по противодействию отмыванию денег, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения. 2012 год февраль., МУМЦФМ., 2012., - Б 141.

⁴² БМТнинг «Транцмиллий уюшган жиноятчиликка қарши» Конвенцияси (15 ноябрь 2000 йил), 2 ва 6-моддалар. <http://old.lex.uz/docs/1304112>.

молиялаштириш жиноятлари бўйича молиявий терговни амалга оширувчи ваколатли органлар белгиланиши лозим. Шунингдек, мамлакатлар томонидан мусодара қилиниши лозим ёки мумкин бўлган жиноий даромадлар ва мол-мулкларни қидириш, аниқлаш ва хатлаш учун ваколатли органлар ташкил этилиши шарт.

ФАТФ тавсияларига кўра, «молиявий тергов» қуидаги мақсадларда жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларни ўрганишдан иборат:

- жиноий схемалар ёки жиноий фаолиятни фош этиш;
- мусодара қилиниши мумкин бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган воситалар, жиноят предмети ва бошқа мол-мулкларни аниқлаш;
- жиноий фаолиятни исботловчи далилларни тўплаш.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тавсияларда «параллель молиявий тергов» атамаси қўлланилган бўлиб, бу – хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан асосий жиноятлар, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш жиноятлари бўйича олиб борилаётган тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатлари билан бир вақтда молиявий терговни олиб боришдан иборат.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг терговчилари ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда параллель равишда молиявий терговни ўтказиш ваколатига эга бўлишлари ёки материалларни шундай ваколатга эга органга молиявий терговни олиб бориш учун юборишлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, молиявий тергов фақатгина ихтисослашган тергов ёки хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан эмас, балки бошқа ваколатли ташкилотлар томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

Мисол учун, коррупцияга қарши курашиш учун масъул бўлган, жиноий таъқибни амалга ошириш ваколатига эга бўлган хукуқни муҳофаза қилувчи органлар коррупцион жиноятлардан келиб чиқувчи жиноий фаолиятдан

олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлар юзасидан дастлабки терговни амалга оширишлари мумкин.

Бунинг учун ушбу органлар жиноий активларни аниқлаш, таъқиб қилиш, тақиқ қўйиш ваколатига эга бўлишлари талаб этилади.

Молиявий терговни амалга оширувчи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолият самарадорлигини таъминлаш учун моддий, техник ва кадрлар борасида етарли ресурсларга эга бўлишлари лозим.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларининг молиявий тергов олиб боришдаги ваколатлари ФАТФнинг 31-тавсиясида баён этилган.

Унга қўра, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва улар билан боғлиқ асосий жиноятлар юзасидан тергов олиб борища жиноий таъқибни амалга ошириш, дастлабки терговда фойдаланиш учун зарур бўлган барча хужжатларни олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Бу ваколатлар далилларни йифиш ва ўрганиш мақсадида молиявий ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлган маълумотларни мажбурий йўл билан олиш (тинтуб ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқа) дан иборат.

Мамлакатлар ваколатли тергов органларига жиноий даромадларни легаллаштириш, асосий жиноятлар ва терроризмни молиялаштириш ҳолатларини тергов қилиш учун мос келадиган кенг қамровли тергов усулларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

Бундай тергов усулларига қуйидагилар киради: махфий операциялар, телефон ва қурилмалар орқали сўзлашувларни эшитиш, компьютер тизимларига кириш, назорат остида етказиб бериш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли ёки назорат қилинадиган ҳисоб-рақамларни ўз вақтида аниқлаш имконини берувчи самарали механизmlар мавжуд бўлиши керак.

Шунингдек, ваколатли органлар активларни эгасини олдиндан огоҳлантирмасдан аниқлаш механизмларига эга бўлиши лозим.

Юқорида баён этилган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари, асосий жиноятлар бўйича молиявий тергов олиб бориш жараёнини тартибга солувчи нормалар умумий-йўналтирувчи характерга эга бўлиб, ҳар бир давлат ўзининг фундаментал ҳуқуқ тизимидан тизимидан келиб чиқсан ҳолда ушбу нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиши тавсия этилади.

Хулоса ўрнида жиноий фаолиятнинг масштабини аниклаш, жиноий алоқалар ва гурӯҳлар фаолиятини фош этиш, мусодара қилиниши лозим бўлган жиноий даромадларни, терроризмни молиялаштириш манбаларини қидириш ва хатлаш, шунингдек жиноят содир этилганлигини исбот қилувчи бошқа далилларни топиш тизим самарадорлигини таъминловчи асосий элементлар эканлигини инобатга олиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари юзасидан молиявий тергов ўтказиш долзарб аҳамиятга эга.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг молиявий терговни амалга оширишдаги тегишли ваколатларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларни миллий тизимга имплементация қилиниши, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

II БОБ. ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

2.1. Молиявий терговнинг тезкор–қидирув, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида тутган ўрни

Ҳозирги вақтда жиноий фаолиятдан олинган даромадлар масштаби шунчалик каттаки, у бутун халқаро молия тизимининг барқарорлигига таҳдид солмоқда.

Ҳар қандай давлат учун, унинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар миллий иқтисодиётга жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг кириб келиши жиноий уюшмалар томонидан иқтисодиётнинг айрим тармоқлари устидан назорат ўрнатилишига, коррупциянинг кенг тарқалишига, инсофсиз рақобат воситалари ва усулларига, хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини жиноий гуруҳлар манфаатлари йўлида қайта йўналтирилишига, умуман иқтисодий тизимнинг сезиларли деформациясига олиб келади.

Жиноий даромадларни легаллаштириш шу қадар кенг тарқалмоқдаки, у ҳар қандай давлат ва ҳатто дунёнинг алоҳида минтақалари учун молиявий ва иқтисодий зарбалар манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро Валюта Жамғармасининг маълумотларига кўра, ҳар йили турли жиноятлар натижасида олинган ноқонуний даромадлар миқдори жаҳон ялпи ички маҳсулотининг **2-5 фоизини** ташкил қиласди.⁴³

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятлари содир этилиш кўламини ҳисобга олган ҳолда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган бозор муносабатларида жиддий тўсиқлар туғдиради, иқтисодиётнинг нормал фаолиятига, давлат органларининг мамлакат молия тизимини назорат қилиш ва бошқариш қобилиятига путур етказади.

⁴³ IMF, Anti Money Laundering and Economic Stability – IMF Finance & Development Magazine. – №4 (55). – December 2018. – P.44-45. // <http://edrj.ru/article/25-05-2019>.

Ўз навбатида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар уюшган жиноятчилик ва коррупция учун молиявий замин яратади, шунингдек экстремистик гурухларнинг фаолият қўрсатиши учун молиялаштириш манбаси ҳисобланади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг ижтимоий хавфи ошиши нафақат унинг жиноий уюшма ва уюшган гурухлар фаолияти билан бевосита боғлиқлиги, балки ушбу жиноий фаолиятнинг трансмиллий хусусиятга эга эканлиги билан ҳам белгиланади.

Шу сабабли ривожланган давлатлар ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича умумий чора-тадбирлар концепцияси доирасида алоҳида йўналиш сифатида белгиланган жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда фаол иштирок эта бошладилар.

Секин-аста ушбу мамлакатларнинг аксариятида жиноий даромадларни легаллаштиришда айбор шахсларни жавобгарликка тортиш учун қонунчилик базаси яратилди, жиноий даромадларни мусодара қилиш бўйича чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Хусусан, ФАТФ тавсияларида молиявий терговнинг асосий мақсади сифатида қўйидагилар белгиланган:

- жиноий даромадларни аниқлаш, активларни мусодара қилиш мақсадида музлатиш, таъқиқ қўйиш, хатлаш;
- жиноят ишларини қўзғатиш;
- трансмиллий жиноий алоқаларга барҳам бериш, жиноий схемаларнинг турлари ва моҳияти тўғрисида билимларни мустаҳкамлаш.

Молиявий тергов ўз ичига жиноий таъқибни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида жиноятчиларни жиноий даромадлар ва жиноят содир этиш воситаларидан маҳрум қилиш учун барча мавжуд маълумотларни тўплаш, таққослаш ва таҳлил қилишни қамраб олади.

Одатда жиноий уюшмалар, уюшган гурухлар ўзларининг пул маблағлари ҳаракати устидан маълум даражада назорат олиб боришади,

бу ўз навбатида пул маблағлари ҳаракатини кузатиш, аниқлаш имкониятини яратади.

Пул маблағларининг ҳаракатини ўрганиш, кузатиб бориш ва таҳлил қилиш эса жиноятларнинг содир этилиш усуллари, механизмлари, жиноий даромадлар, жиноят қуроллари, далиллар сақланаётган жойни аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Шу ўринда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг молиявий тергов ўтказиш қобилияти, молиявий ва бошқа ахборотлар базасидан фойдалана олиш имконияти жиноий даромадларни легаллаштириш, шу жумладан асосий жиноятларга қарши қурашиш самарадорлигини таъминлашда муҳим саналади.

Бундай чора-тадбирлар одатда бошқа фош этилмаган жиноятлар, мусодара қилиниши мумкин бўлган, легаллаштирилган жиноий даромадларнинг аниқланишига олиб келади.

Молиявий тергов муқаддам аниқланмаган асосий жиноятларнинг фош этилишида қурол сифатида хизмат қилиб, жиноятга алоқадор бошқа шахслар ҳамда гуруҳларни фош этиш имконини беради.

Шундай қилиб, ҳар бир мамлакатлар учун молиявий тергов имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш муҳим саналади.

Давлатлар томонидан ушбу функцияларни самарали амалга ошириш учун хуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат идоралари ўртасида эркин молиявий ҳамда бошқа зарур ахборотлар алмашинуви йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида ушбу фаолият йўналиши қонун ёки норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солиниши муҳим.

Шу сабабли, молиявий тергов давлатларнинг жиноятчиликка қарши қурашиш стратегиясининг ажralmas қисми ҳисобланиши лозим.

Шу муносабат билан мамлакатлар хуқуқни муҳофаза қилиш тизими фаолиятининг ажralmas қисми сифатида молиявий терговнинг ролини

етарли даражада акс эттирувчи комплекс қонунчилик чораларини ишлаб чиқишилари керак.

Аниқ мақсад ва вазифалар, мақсадли чора-тадбирларниг ишлаб чиқилғанлиги, ресурсларнинг етарлилиги, тезкор ходимлар, терговчилар касб малакасини ошириб борилиши, қонун хужжатларида берилган ваколатлардан комплекс ва ижобий ёндашувни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, фаолиятнинг изчиллиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳар қандай мамлакатда молиявий тергов ўтказиш самарали стратегиянинг элементлари ҳисобланади.

Молиявий терговнинг хуқуқни муҳофаза қилиш органлар томонидан иқтисодий манфаат олишни кўзлаб, содир этилган ҳар қандай жиноятлар бўйича олиб бориладиган текирувларнинг ажралмас қисми бўлишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилиши лозим.

Шуни хам таъкидлаш жоизки, молиявий терговнинг асоси жиноятчиликка қарши курашда умумэътироф этилган қоидаларга таянган бўлиб, терговга қадар текширув ўтказилаётган ёки дастлабки тергов жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, кейинчалик ушбу активларни мусодара қилишга қаратилган бўлади.

Шундай қилиб, молиявий тергов жиноий даромадларнинг банк-молия тизимиға кириб келишининг олдини олишга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, келажакда ушбу маблағлардан жиноят содир этишда фойдаланиш имкониятини истисно қиласди.

Молиявий тергов жиноий жавобгарликка тортиш ва жиноятчиларни даромадлар ва жиноят содир этиш воситаларидан маҳрум қилиш учун барча мавжуд маълумотларни тўплаш, ўрганиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Молиявий терговнинг асосий мақсади жиноят содир этиш пайтида пул маблағларининг ҳаракатини аниқлаш ва расмийлаштиришдир.

Пул маблағларининг ҳаракати, яъни қаердан келганлиги, ким олиши, қачон олинганлиги ва қаерда сақланиши ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги жиноий фаолиятни исбот қилувчи асосий омиллар саналади.

Шу сабабли ушбу характердаги молиявий ахборотлар, маълумотлар молиявий тергов ўтказишида катта ёрдам беради.

Ушбу маълумотларнинг ўрганилиши асосий жиноятлар бўйича дастлабки терговни олиб боришида қўйидаги фактларни аниқлашда ёрдам бериши мумкин:

- жиноятнинг мотиви, бошқа шахслар ва жойлар билан ўзаро алоқалари;
- жиноят ишига алоқадар бўлган воситалар (масалан телефон, транспорт воситалари ва бошқа нарсалар);
- гумонланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар жойлашган жойи;
- гумон қилинувчиларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш;
- шахсларни қидириш.

Молиявий операцияларнинг изларини кузатиш қобилияти бутун жиноий схемани, шу жумладан жиноят содир этиш фактларини мантиқий ва кетма-кетликда қуришга имкон беради, жиноий схеманинг ҳар бир қисмларини бир-бирига қандай мос келишини тушунишни осонлаштиради.

Молиявий тергов хукуқни муҳофаза қилувчи органларга жиноий уюшма, уюшган гурухнинг барча аъзоларини аниқлашга, гурухлар ўртасидаги вазифалар қай йўсинда тақсимланганини фош этишга ёрдам беради.

Молиявий тергов асосий жиноятни янада тўлиқроқ ва ҳар томонлама текширишга ёрдам беради, чунки у гумон қилинувчининг турмуш даражасини, унинг жиноий даромадларини аниқлайди, бойлик орттиришнинг манбай сифатида жиноий фаолиятни исботлайди, бу ўз навбатида, жиноий даромадларни легаллаштиришда ҳам, асосий жиноятда ҳам гумонланувчини айблаш учун етарли далилларни аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри ёки билвосита далилларни таққослаш ва таҳлил этиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган мулкни олиб қўйиш ҳамда мусодара қилиш тартиби учун асос яратилади.

Бундан ташқари, молиявий тергов жиной уюшма, уюшган гурухларнинг ташкилотчиларини аниқлашга ёрдам беради.

Шу ўринда, ушбу фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди⁴⁴.

Стратегияда бугунги қундаги таҳдидлар, аввало, қурол-яроғ, гиёхвандлик ва одам савдоси ҳамда трансчегара вий ноқонуний молиявий операцияларнинг тобора кучайиб бораётгани жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўяётгани таъкидланди.

Юқоридагиларга асосан қўйидагилар стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайтириш ҳамда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш;

ушбу соҳадаги миллий тизимнинг халқаро хужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, ФАТФ стандартлари ва халқаро-хуқуқий хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига имплементация қилинишини таъминлаш;

мазкур соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.06.2021 йилдаги Ўзбекистон Республикасининг «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6252-сон Фармони. // [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон; 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон.](#)

бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда тизимли мулоқотни йўлга қўйиш;

соҳадаги барча статистик маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

соҳага жалб қилинган давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш.

Соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида **молиявий тергов ўtkазиш тартибини ҳамда предикат жиноятлар тоифасини белгилаш**;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги **жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш**;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ **жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш**, шу жумладан, бундай тоифадаги **жиноятларни малакалашнинг ягона ёндашувини жорий этиш**;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида яхлит ахборот тизимини яратиш орқали миллий тизимга кирувчи давлат органлари, ташкилотлар ва мутахассислар **фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш**;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар устидан назоратнинг самарали механизмини жорий этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ таваккалчилик даражаси юқори бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жавобгарликларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш;

назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун хужжатларига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиши механизмини такомиллаштириш белгиланди.

Шунингдек, соҳага жалб қилинган давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш борасида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида иштирок этувчи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

ходимларининг касбий тайёргарлик даражасини мунтазам равишида ошириш чораларини кўриш;

махсус олий таълим муассасаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини жорий этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида махсус ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда касбий стандартларни жорий этиш вазифалари юкланди.

Стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Йўл харитаси» тасдиқланиб, масъул ижрочилар ва ҳар бир вазифаларни амалга ошириш шакли ҳамда бажарилишининг аниқ муддатлари белгиланди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича давлат стратегиясининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида молиявий тергов ўtkазишнинг аҳамияти нақадар муҳимлигини белгилаб берди.

Айнан стратегияда молиявий тергов ўтказиш тартибини ҳамда предикат жиноятлар тоифасини белгилаш, бу тоифадаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш методикасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, миллий тизимга кирувчи давлат органлари, ташкилотлар ва мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш белгиланди.

Бу ўз навбатида молиявий терговнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида асосий вазифалардан саналишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича моливий тергов ўтказиш тартибини белгилаш, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм молиялаштириш ва экстремизмни

молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказиш методикасини ишлаб чиқиши асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, аниқланган жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятларининг содир этилган предикат жиноятларнинг умумий сонига нисбатан улуши жуда ҳам паст бўлган.

Хусусан, тергов органлари томонидан 2016-2020 йилларда **100 минг**дан ортиқ асосий жиноят ишлари судга юборилган бўлиб, шундан атиги **335** та жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятларининг аниқлангани асосий жиноятларнинг молиявий жиҳатлари тўлиқ ўрганилгани, улар бўйича молиявий тергов ўтказиш талаб даражасида ташкил этилганига шубҳа уйғотади.

Асосий жиноятлар сонига нисбатан жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятлари аниқланиши камлигининг объектив сабаби, аксарият ҳолларда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ёки мулкни унинг ҳуқуқий моҳиятини ўзгартирмаган ҳолда тасарруф этиш, маблағлар ва мулкнинг келиб чиқишининг ҳақиқий манбаларни яширишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмасликдир.

Маълумотлар таҳлилига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аксарият ҳолларда жиноят содир этувчилар томонидан жиноий даромадларни легаллаштиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилмаслиги, чунки жиноий мулк ёки олинган маблағлар миқдори кўп эмаслиги, шу сабабли жиноий даромадларни тасарруф этишнинг ҳожати йўқлиги сабаб бўлган.

Бироқ, эксперт-баҳоловчилар юқоридаги объектив сабабларга қўшимча равища бир қатор субъектив сабаблар ҳам мавжудлиги таъкидлашган.

Бунда асосий эътибор асосий жиноятларни фош этишга қаратилиб, ушбу ҳолатлар бўйича жиноий даромадларни легаллаштиришнинг яширин схемалари ва уларни содир этган шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишга етарли эътибор берилмаётганлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларида молиявий тергов ўтказиш

бўйича тушунча шаклланмаганлиги, ягона амалиётнинг мавжуд эмаслигидан иборат эканлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, эксперталар фикрича, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар легаллаштириш, умуман олганда асосий жиноятлар юзасидан молиявий тергов олиб боришининг ягона методологияси ишлаб чиқилмагани, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушбу жараёнга турлича ёндашиб келинишига сабаб бўлган.

Терговга қадар текширув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан иқтисодий жиноятлар юзасидан етказилган зарар ҳажмини аниқлаш ва ундириш чораларини кўриш бўйича самарали ишлар амалга оширилишига қарамасдан, амалдаги қонунчиликда жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, яъни пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш ҳамда мусодара қилиниши таъминлаш асосий вазифлар сифатида белгиланмаган.

Шу сабабли, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий эътибори жиноят ишлари бўйича етказилган зарар ҳажмини аниқлаш, ундирилишини таъминлаш чораларини кўришга йўналтирилган бўлиб, ноқонуний даромадлар, улар қийматига teng мол-мулкни аниқлаш ҳамда мусодара қилиш чораларини кўришга етарли эътибор қаратилмай келинмоқда.⁴⁵

Амалдаги қонунчиликка асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятларини аниқлашда асосий масъулият Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти зиммасига юкландган бўлиб, 2016-2020 йилларда департамент органлари томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш фактлари бўйича жами **657 та** терговга қадар текширувлар ўтказилиб, шундан ЖКнинг 243-моддаси бўйича **201 та** жиноят ишлари қўзғатилган.

Бу барча органлар томонидан ЖКнинг 243-моддаси билан қўзғатилган жиноят ишлари умумий сонининг **59,6 фоизини** ташкил этади.

⁴⁵ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 96-97 б.

ЖПКнинг 345-моддасида белгиланган умумий қоида бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича дастлабки тергов Ички ишлар органлари терговчилари томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, агар жиноий даромадларни легаллаштириш факти асосий жиноят юзасидан дастлабки тергов пайтида аниқланган бўлса, асосий жиноятларни тергов қилишга ваколатли орган томонидан ушбу жиноят иши билан бирга амалга оширилиши мумкин.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга оширувчи терговчининг асосий вазифаси жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, мустахкамлаш, процессуал расмийлаштириш, айб эълон қилиш ва ишни судга юбориш учун етарлилигини баҳолашдан иборат.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 243-моддаси билан судга юборилган жиноят ишлари бўйича 2016 йилда **1,7 фоиз** айбланган шахсларга нисбатан оқлов ҳукмлари қабул қилинган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич **2,6 фоиз**, 2018 йилда **22,9 фоиз**, 2019 йилда **25,9 фоиз** ва 2020 йилда **33,3 фоизни** ташкил этган.

Оқлов ҳукмлари сонининг ошиб бораётгани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни фош этиш ва тергов қилиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини тақозо этади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфини миллий баҳолаш натижаларига кўра, коррупция, солик ва божхонага оид жиноятлар, гиёҳванд моддалар савдоси, жиноий уюшма ташкил этиш ва фирибгарлик жиноятлари бўйича хатар даражаси «**жуда юқори**» деб баҳолангандан.⁴⁶

Биргина 2020 йилда ушбу жиноятларнинг (12.042) жами аниқланган предикат жиноятлар сонидаги улуши (18.293) **65,8 фоизни** ташкил этгани

⁴⁶ Национальная оценка рисков легализации доходов, полученных от преступной деятельности, и финансирования терроризма в Республике Узбекистан. // <http://new-department.uz/ru/press/news/439/>.

ҳам молиявий тергов ўтказишнинг қанчалик муҳим ва долзарблигидан далолат беради.

Ушбу тадқиқот доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида фаолият юритаётган тезкор-тергов ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижаларига кўра, ходимларнинг **40** фоизигина молиявий терговни қисман тушунишлари, лекин унинг мақсади, амалга ошириш тартиби ва асосларини билмасликларини, молиявий терговни амалга ошириш мезханизмлари юзасидан ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Сўров натижаларига кўра, молиявий тергов тушунчasi, мақсади, амалга ошириш тартиби ва механизмлари юзасидан ягона методология ишлаб чиқиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бу борадаги билимларини ошириш мақсадида ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

2.2. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан молиявий тергов ўтказишининг ташкилий ва методик жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Шу мақсадда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга қўйидагилар кириши белгиланди:

махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат;

ички назорат;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар;

таваккалчиликларни аниқлашга, баҳолашга ва камайтиришга доир чоралар.

Қонуннинг 5-моддасида кўра, **махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва бошқа ваколатларни амалга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи хисобланади.

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тұғрисидаги қонунчилік талабарининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан назорат қилинишини таъминлайды;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бүйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларидан ҳамда маълумотлар базаларидан ахборотни сўрайди ва бепул олади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ олинадиган ахборотнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш белгиларини аниқлаш мақсадида таҳлил қилинишини амалга оширади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлардан келиб тушадиган шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни олади, маълумотлар базаларини шакллантиради ва уларга ишлов беради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар ва ахборотни алмашиб ҳамда юбориш бўйича ҳамкорлик тартибини хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан биргаликда белгилайди;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёки сўровга биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни

молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

террорчилек фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатини терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органларидан ҳамда халқаро ташкилотлардан расмий каналлар орқали олинган маълумотлар асосида шакллантиради ва юритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича таваккалчилекларни баҳолашни ташкил этиш юзасидан жалб этилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргалиқда чоралар кўради;

етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни амалга ошириш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар юборади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилиш амалиётини давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинадиган ахборот асосида таҳлил қиласиди ҳамда умумлаштиради,

шунингдек қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ҳамда киритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ихтисослашган ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро ва минтақавий ташкилотлар, чет давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан келишувлар тузади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки чет давлатларнинг ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаролик принципи асосида ҳамкорлик қиласи ва ахборот алмашишни амалга оширади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўз навбатида, ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг маҳсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятидир.

Етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда ёки сўровга биноан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни ўттиз иш кунидан қўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар юборади.

Бундан ташқари, ушбу Қонун ижросини таъминлаш мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи 16 та ташкилот ва касб эгалари учун ички назорат қоидалари тасдиқланиб, мижозларни лозим даражада текшириш, шубҳали операциялар бўйича хабар бериш, маълумотларни тақдим этиш каби асосий вазифаларни амалга ошириш механизмлари яратилди.

Ушбу қонунда белгиланган нормалар юқорида қайд этилган халқаро стандартлар талабларига мос бўлиб, «молиявий тергов»нинг сифатли ва ўз вақтида ўtkазилишини таъминлайди, молиявий тергов ўтказишнинг умумий тартибини белгилайди. Бироқ қонунда берилган бу нормалар ҳам молиявий тергов тушунчаси, уни ўтказиш асослари ҳамда тартибини тўлиқ ёритиб бермайди.

Амалдаги қонунчилик таҳлилига кўра, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш тезкор-қидирав фаолияти ва судга қадар иш юритиш тартибида амалга оширилади. Жиноят ишлари ва материаллар бўйича судга қадар иш юритув терговга қадар текширув ва дастлабки тергов босқичларидан иборат.

Тезкор қидирав фаолияти – бу маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирав тадбирлари ўтказиш орқали жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топишга қаратилган фаолият⁴⁷.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-344-сон Қонуни, 13-модда. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. // 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон.

Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига асосан терговга қадар текширув ўз ичига жиноятлар ҳақидағи аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш, натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш, содир этилган жиноят изларини, жиноят ишига алоқадор бўлган предметлар ва ҳужжатларни топиш ва мустаҳкамлашдан иборат чора-тадбирларни олади.

Жиноят иши бўйича тергов ўтказиш бевосита жиноят иши бўйича далилларни йифиши, мустаҳкамлаш ва баҳолашдан иборат бўлиб, суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида ўтказилиши мумкин.

Ушбу қоидалар ва тартибларга амалдаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилиб, батафсилроқ тўхталиб ўтамиш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38 ва 381²-моддаларига асосан алоҳида тоифадаги асосий жиноятлар юзасидан суриштирув шаклидаги тергов олиб бориш Ички Ишлар органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Асосий жиноятлар бўйича дастлабки тергов шаклидаги иш юритуви прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

«Молиявий тергов»нинг асосий элементларидан бири бу жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далилларни тўплаш ҳисобланиб, ЖПКда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашнинг процессуал тартиби белгиланган.

Хусусан, терговчи шахсан тергов ҳаракатларини олиб боради, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга ва ТҚФни амалга оширувчи органларга тергов ҳаракатларини ёки тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ҳамда кўрсатмалар беради, шунингдек улардан тергов ҳаракатларини ўтказишида ёрдам беришни талаб қиласи, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат ўрнатади.

ЖПКнинг 22-моддасига асосан сурштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айборлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги қатъий белгиланган бўлиб, бу норма билан молиявий терговнинг муҳим элементи тартибга солинган.

Зеро, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ЖПКда назарда тутилган тартибда олинган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқладиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Чунончи, ЖПКнинг 87-моддасига асосан далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш, жумладан гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш, олиб кўйиш, тинтуб, кўздан кечириш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш ва бошқа тергов ҳаракатлари, шунингдек тезкор-қидирав тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

ЖПКнинг 39²-моддасига асосан терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

ЖПКнинг 321-моддасига кўра, сурштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз

ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Жиноят ишини қўзғатиш учун шахсларнинг аризалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар, оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши, айини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Юқоридаги қонун нормалари таҳлилига кўра, ҳар қандай етарли маълумотлар, шу жумладан ўтказилган параллель молиявий тергов натижалари асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, шунингдек асосий жиноятлар бўйича молиявий тергов ўтказилиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қонунчиликда жиноий даромадларни легаллаштириш ва асосий жиноятлар бўйича тергов олиб бориш билан бир вақтда параллель молиявий тергов ўтказишни тақиқловчи нормалар мавжуд эмас.

Жиноий таъқибни амалга оширувчи орган параллель молиявий терговнинг айrim жиҳатларини (хужжатли тафтиш, экспертиза ва бошқа) ТҚФни амалга оширувчи ёки бошқа ваколатли органлар ёхуд ташкилотларга топшириши мумкин.

Шу билан бирга жиноий фаолиятдан олинган даромадлар, мол-мулкни аниқлаш ва мусодара қилинишини таъминлаш мақсадида хатлаш чораларини кўриш молиявий терговнинг асосий босқичларидан бири саналади.

Амалдаги қонунчиликка асосан мулкий ундирувларни таъминлаш учун мол-мулкка тақиқ қўйиш вазифаси дастлабки терговни амалга оширувчи органларга юклатилган. Тақиқ қўйиш жиноят-процессуал қонунига асосан, жиноят иши қўзғатилиши билан қўлланиши мумкин.

Дарҳақиқат ЖПКнинг 203-212-моддалариға асосан бевосита жиноят содир этилишида фойдаланилган, жиноятга алоқадор бўлган нарсалар, ашёлар, маблағлар, пуллар ашёвий далиллар ёки жиноят қуроли деб эътироф этилиши, кейинчалик эса жиноий йўл билан орттирилган пуллар ва бошқа бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплашга, мулкий зарап кўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

ЖПКнинг 290-моддасига асосан ашёвий далил сифатида эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг мол-мулки хатланиши мумкин.

Шунингдек, ашёвий далиллар шикастланган ёки йўқолган бошқа барча ҳолларда уларнинг қиймати зарап келтириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир фуқаровий қонунчилик қоидалариға мувофиқ ундирилиши лозим.

ЖПК нормалариға асосан ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш, сақлаш, сотиш, йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабря 2174-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарорида белгиланган тартибга асосан амалга оширилади.⁴⁸

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун нормаларида ҳам молиявий тергов тушунчасига аниқ таъриф берилмаган, балки жиноятларни олдини

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 декабря рўйхатдан 2174-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Қарори. // [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 21.10.2021 й., 10/21/2174-2/0988-сон](#).

олиш, бартараф этиш, далилларни тўплаш, исботлаш процессидаги хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари, ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби белгиланган.

Том маънода молиявий тергов ўтказишнинг элементлари ушбу қонун хужжатлари нормалари билан тартибга солинган.

Молиявий тергов ўтказиш самарадорлигини ошириш, бу борада ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида соҳавий буйруқлар, идоралараро норматив-хукуқий хужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи ушбу хужжатларда қонунчиликда белгиланган нормаларни кўллаш механизмлари ёритиб берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида»ги 129-сонли буйруғига асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашища фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида қуидагилар белгиланди:

1. Ташкилий-мувофиқлаштириш соҳасида:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш аҳволини **ҳар 6 ойда ўрганиб, умумлаштириб** бориш;
- террорчилик ва диний экстремистик ҳаракатлар ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳақида маҳсус хабар бериш;
- диний экстремизм ва терроризм, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларининг дастлабки тергови устидан алоҳида назорат ўрнатиш;
- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш

билин боғлиқ жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан кўрилган чоралар самарадорлиги, улар бўйича тезкор-қидирув иш юритуви ишларининг тўлиқлиги **ҳар ярим йилда бир марта ўрганилиши;**

- жиноий даромадларни легаллаштириш усуллари ва механизмларини фош этиш, жиноят орқали орттирилган даромадлар ва бошқа мол-мулклар, бундай мол-мулклардан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, жиноят предмети ва қуролини аниқлаш бўйича кенг қамровли тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилганлигини ўрганиб бориш белгиланди.

2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида:

- суриштирув ва дастлабки тергов олиб борища жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш;

- мураккаб ва кўп эпизодли жиноятлар бўйича ҳукуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа органларнинг молиявий жиноятларни тергов қилиш бўйича юқори малакага эга ходимларидан иборат тергов-тезкор гурухлари тузиш;

- жиноят натижасида легаллаштирилган ноқонуний даромадлар ва бошқа мол-мулклар, бундай мол-мулклардан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, жиноят предмети, қуроли ёхуд уларнинг қиймати микдоридаги мол-мулкларнинг тергов жараёнида тўлиқ аниқланиши ва хатланишини таъминлаш асосий вазифалар сифатида қайд этилди.

Шу ўринда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятлари бўйича молиявий терговни амалга оширувчи ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолият самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда ягона амалиётни шакллантириш мақсадида Бош прокурор, Ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан 2021 йил 20 майда тасдиқланган «Тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш жараёнида

жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш тартиби тўғрисида»ги Кўшма кўрсатма қабул қилинди.

Кўрсатмада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини мустаҳкамлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, асосий жиноятлар ва терроризмни молиялаштириш билан боғлик ишларни фош этиш ҳамда тергов қилиш самарадорлигини ошириш, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, жиноий даромадлар, молиялаштириш манбалари ва бошқа мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқланиши ҳамда хатланиши тартибга солинди.

Ушбу идоралараро норматив ҳужжатга асосан тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари давомида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини, уларга алоқадор шахсларни ҳамда мусодара қилинадиган мол-мулкни аниқлаш мақсадида параллель молиявий терговни ўтказиш, ушбу соҳада давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби белгиланди.

Миллий қонунчилик нормаларига асосан молиявий тергов - қуйидаги мақсадларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги мол-мулки, пул маблағлари, бошқа активлари ёки улар билан боғлик битимлар ва операциялар тўғрисида ахборотни йиғиш ва ўрганишдан иборат:

- давлат фойдасига ўтказилиши ва мусодара қилиниши мумкин бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни, терроризмни молиялаштириш учун мўлжалланган воситалар, жиноят нарсалари ва бошқа мол-мулкларни, шу жумладан уларга teng қийматдаги мулкларни аниқлаш ҳамда кузатиб бориш;

- жиноят натижасида етказилган заарни қоплаш;
- жиноий фаолиятни фош этиш, жиноий схема ва алоқаларни аниқлаш, шунингдек жиноят иштирокчиларини фош этиш;
- иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар ва далилларни аниқлаш.

Тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар молиявий терговни тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговнинг ҳар қандай босқичида амалга оширишга ваколатига эга.

Бунда молиявий терговни амалга ошириш учун малакали мутахассисларни жалб қилиш ва тергов-тезкор гурухлари тузишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба таҳлилидан келиб чиқиб, қўйидаги жиноятлар бўйича молиявий терговни амалга ошириш мажбурийлигини белгилаш мақсадга мувофиқ:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказиш ёки жиноий даромад олиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилган ҳолатлар бўйича;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, шу жумладан асосий жиноят Ўзбекистан ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса;

в) террористик, шу жумладан терроризмни молиялаштириш хусусиятига эга бўлса.

Бошқа ҳолларда молиявий тергов ваколатли органлар қарори билан, шу жумладан миллий хавфни баҳолаш натижаларига кўра жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш хавфи «**жуда юқори**» ва «**юқори**» деб баҳоланганд асосий жиноятларга устуворлик берган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Жиноий даромад келтирадиган ҳар қандай қилмишлар асосий жиноят хисобланади (шу жумладан, талон-торож қилиш, пора олиш, солиқлар ва ийғимларни тўлашдан бўйин товлаш, моддий наф олиш мақсадида одам ўлдириш, одам савдоси, қурол-яроғ ёки наркотик воситаларини ўтказиш ва бошқалар).

Асосий жиноят тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 2 февралдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим

масалалари тўғрисида»ги 1-сон қарорида таъриф берилган. Унга кўра, **асосий жиноят** - пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни легаллаштиришдан олдин, қасддан содир этилган жиноят ҳисобланади.⁴⁹

Чунончи, тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш белгиланган.

ТҚФни амалга оширувчи органлар томонидан юклатилган вазифаларни бажариш учун 16 та тезкор-қидирув тадбирлари мавжуд. Мисол учун, **сўров** яъни тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади.

Шу каби, **маълумотлар тўплаш** - тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбир.

Бундан ташқари, қонунда қиёсий текширув учун намуналар йиғиш, текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш, предметларни ва ҳужжатларни текшириш, тезкор кузатув, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, шахснинг айнанлигини аниқлаш, почта, курьерлик

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 11.02.2011 йилдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сон қарори. // <http://old.lex.uz/docs/1766419>.

жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш, тезкор киритиш, назорат остида етказиб бериш, ниқобланган операция, тезкор эксперимент каби тезкор-қидирув тадбирларини ўtkазиш асослари ҳамда тартиби белгиланган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, молиявий терговни амалга ошириш қўйида усуллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- тезкор-қидирув тадбирлари орқали;
- жиноят-процессуал кодексига мувофиқ процессуал ҳаракатларни бажариш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши қурашиб масалалари бўйича маҳсус ваколатли давлат органи томонидан молиявий таҳлил ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар йиғиш;
- очиқ ахборот манбалари, хорижий давлатларнинг ахборот ресурслари ва интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш;
- қонунда назарда тутилган ёки тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бундан ташқари, Бош прокурор, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири ва Давлат божхона қўмитаси раисининг 2021 йил 29 октябрдаги қарори билан «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида параллель молиявий тергов ўtkазиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низомда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракатлари давомида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ҳолатларини, уларга алоқадор шахсларни ҳамда мусодара қилинадиган мол-мулкни аниқлаш мақсадида параллель молиявий терговни ўтказиш тартиби белгиланди.

Параллель молиявий тергов – ЖПК ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш орқали содир этилган (этилаётган) жиноят кўламини, мусодара қилинадиган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг ҳаракатини, қонуний тус берилган жиноий даромадлардан фойдаланиш орқали олинган фойдани кузатиш ва аниқлаш ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган ашёвий далилларни тўплаш мақсадида жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш хисобланади.

Параллель молиявий тергов ўтказишида давлат органларининг ахборот базалари, очик манбалар, ижтимоий тармоқлардаги ахборотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини, шу жумладан мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкни аниқлаш мақсадида хорижий давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш йўли билан ҳамкорликни амалга ошириш мумкин.

Жиноят иши қўзғатилгунига қадар аниқланган жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатлари билан боғлиқ пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни кўчирилиши ёки яширилиши мумкинлиги тўғрисида етарли асослар бўлган тақдирда махсус ваколатли давлат органига ушбу пул маблағлари ва мол-мулкни, шу жумладан активлар билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш чорларайнин кўриш тўғрисида сўровлар юборилиши мумкин.

Бундай ҳолатда жиноят иши қўзғатилиши билан, дарҳол жиноят-процессуал қонунчилик талаблари асосида тўхтатиб қўйилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни хатлаш чоралари кўрилиши шарт.

Шу каби, **молиявий таҳлил** тушунчасига таъриф берилиб, бу – аниқ мақсадларни, шу жумладан ҳаракатларни ёки операцияларни кузатиш орқали

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, у билан боғлиқ асосий жиноятларни ҳамда терроризмни молиялаштириш ҳолатларини, шу жумладан жиноятга алоқадор шахслар ва мол-мулкни аниқлаш мақсадида шубҳали операциялар (битимлар) тўғрисидаги хабарларни, шунингдек бошқа мавжуд ва олиниши мумкин бўлган маълумотларни таҳлил қилишдан иборат.

Молиявий таҳлил, фақатгина маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан қуйидаги ахборотлар алмашинувининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- 1) ўтказиладиган молиявий таҳлил давомида қуйидагиларни аниқлаш:
 - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш белгиларига эга бўлган оперцияларни;
 - шахсларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ операцияларга боғлиқлигини;
 - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни.
- 2) молиявий таҳлил натижаси бўйича тақдим этилаги маълумотлар асосида хуқуқни муҳофаза қилувчи ёки тергов органлари томонидан тезкор-қидирув, терговга қадар текширув ёки тергов ҳаракатлари давомида қуйидаги мақсадларда:
 - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш усууларини ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг ҳаракатини аниқлаш;
 - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш натижасида олинган ёки йўналтирилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни аниқлаш;
 - жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, у билан боғлиқ асосий жиноятларга алоқадорликда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш натижасида олинган ёки йўналтирилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни хатлаш.

Молиявий тергов ўтказища хуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан маҳсус ваколатли органга сўралаётган маълумотдан фойдаланишнинг аниқ мақсади кўрсатилган ҳолда сўров юборилади.

Сўров қоғоз ёки электрон кўринишда расмийлаштирилиши, шахсан ёки маҳсус мўлжалланган почта алоқаси ёхуд ҳимояланган алоқа каналлари орқали тақдим этилиши мумкин.

Сўровда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- молиявий таҳлил давомида пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқлигини аниқлаш ва асослантириш учун текширилаётган ҳолат ёки кўриб чиқилаётган жиноятнинг қисқача тавсифи (жиноятнинг содир этилиш усули, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш аломатлари);

- текширилаётган шахсларни ёки ташкилотларни идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар:

юридик шахс номи ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР), ташкилий-хуқуқий шакли ва фаолият тури, юридик манзили хақидаги маълумот, банклардаги ҳисобвараклари ва мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар;

жисмоний шахс фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили (кун, ой, йил) ва жойи, паспорти ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатининг реквизитлари, яшаш жойи, иш жойи ва лавозими тўғрисидаги маълумотлар;

3) жиноят иши бўйича юбориладиган сўровлар бўйича жиноят иши рақами, ким томонидан, қачон ва қайси модда бўйича қўзғатилганлиги;

4) терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича эса Шакл—2 (1) китобининг тартиб рақами, қачон рўйхатга олинганлиги ва ким томонидан юритилаётганлиги;

5) тегишли процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун тезкор ва тергов қизиқишиш ўйғотувчи обьектлар тўғрисидаги маълумотлар;

6) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар суммаси тўғрисидаги, унинг шаклланиш манбаси ҳақидаги маълумотлар;

7) шахс ёки ташкилотнинг хорижий давлат билан алоқасини кўрсатувчи маълумотлар;

8) зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Молиявий таҳлил бўйича тайёрланган хужжатда қуидагилар кўрсатилиди:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, у билан боғлиқ предикат жиноятларга алоқадор операциялар, уларни амалга ошириш ҳолати, суммаси ҳамда бошқа тафсилотлар баёни;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, у билан боғлиқ асосий жиноятларга алоқадор операцияларнинг ўзаро боғлиқлиги, операцияларнинг давомийлигини ёритувчи, ушбу операцияларни содир этаётган шахслар билан алоқаларини кўрсатувчи схема ёки жадваллар;

ушбу операцияларни содир этаётган жисмоний ва юридик шахсга оид идентификацияловчи маълумотлар;

давлат органларидан, шунингдек уларнинг маълумотлар базаларидан олинган шахсга оид маълумотлар;

хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмаларидан ёки бошқа халқаро ташкилотлардан олинган операциялар ва шахс билан боғлиқ маълумотлар;

шахсга оид очиқ манбалардан (ОАВ, Интернет) олинган маълумотлар.

Махсус ваколатли давлат органи томонидан сўровни кўриб чиқиши натижасига кўра сўралаётган маълумотни тақдим этиш ёки рад этиш ёхуд молиявий таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Сўров қабул қилинганидан сўнг, ўн иш куни давомида махсус ваколатли давлат органи мавжуд ахборот базалари асосида ахборотни

шакллантиради ва сўров юборган хуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

Маълумотларни бошқа давлат органларининг ахборот базаларидан, шунингдек хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ёки соҳавий ҳалқаро ташкилотлардан олиш зарур бўлган ҳолларда молиявий таҳлил натижаларини тақдим этиш муддати узайтирилиши мумкин.

Хуқуни муҳофаза қилувчи органлар молиявий таҳлил ўтказиш даврида тезкор-қидирав, терговга қадар текширув ва тергов ҳаракталари тугатилган тамомланган ёки тўхтатилган ҳолатларда бу ҳақида уч иш куни давомида маҳсус ваколатли давлат органини хабардор қилишлари шарт.

Бундай ҳолатда молиявий таҳлилни ўтказишни давом эттириш ёки тўхтатиш, аниқланган ҳолатлар юзасидан маълумотларни тақдим этиш ёхуд этмаслик масаласи идоралараро келишув асосида ҳал этилади.

Хуқуни муҳофаза қилувчи органлар маҳсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга маъбул бўлган ходимни белгилашлари мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, молиявий тергов жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб миллий тизимини мустаҳкамлаш, асосий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш фактларини фош этиш ҳамда тергов қилиш самарадорлигини ошириш, далилларни тўплаш ҳамда мустаҳкамлаш, жиноий даромадлар, молиялаштириш манбалари ва бошқа мол-мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқлаш, хатланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Молиявий терговни амалга ошириш жиноий даромадларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирав тадбирлари, жиноят-процессуал қонунчилигига асосан процессуал ҳаракатларни бажариш, маҳсус ваколатли орган томонидан молиявий таҳлил олиб бориш, ахборот ресурслари, интернет

тармоғидаги маълумотлардан фойдаланишда ифодаланиб, жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ўтказилиши мумкин.

Молиявий терговни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад талон-торож қилинган маблағлар, мол-мулк, олинган жиной даромадлар ва бошқа мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқлаш ҳамда хатланишини таъминлашдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, молиявий тергов тушунчасига куйидагича **муаллифлик таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «молиявий тергов»** – хуқуқни муҳофаза қилувчи ёки ваколат берилган бошқа органлар томонидан жиной фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганишда ифодаланадиган, жиной фаолият натижасида олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги мол-мулки, пул маблағлари, бошқа активлари ёки улар билан боғлиқ битимлар ва операциялар тўғрисида ахборотни йиғиш ва ўрганишдан иборат.

Шундай қилиб, фикримизча молиявий тергов тушунчининг, уни ўтказиш тартибининг қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмагани амалиётда жиной фаолиятнинг молиявий жиҳатларини тўлиқ ўрганилмаслигига, жиной даромадлар, бошқа мол-мулкларнинг фош этилмаслиги, давлат фойдасига мусодара қилинмаслигига сабаб бўлиб, ўз навбатида жиноятчилар ёки жиной гурӯҳларнинг такорран жиноят содир этишлари учун шароит яратади.

**III БОБ. ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН
ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ҲОЛАТЛАРИ БҮЙИЧА
МОЛИЯВИЙ ТЕРГОВ ЎТКАЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

**3.1. Молиявий тергов ўтказиш бўйича хорижий давлатлар
тажрибаси**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда халқаро ҳуқуқ нормалари, яъни ФАТФ тавсиялари, БМТ конвенциялари ва бошқа ҳужжатлар мамлакатларга асосий мажбуриятларни юкловчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатларнинг иштирокчилари бўлиш орқали давлатлар ўз зиммаларига халқаро ҳуқуқнинг қатъий мажбуриятларини оладилар ва ўзларининг миллий қонунчилик амалиёти ва сиёсатини шартнома талабларига ва унинг меъёрларига мувофиқлигини таъминлашлари зарур.

Бироқ ҳар қандай халқаро ҳужжатлар бу турдаги жиноятларга қарши курашишда самарали ҳисобланмайди, чунки ҳар бир давлатнинг фундаментал қонунчилиги, халқнинг менталитетидан келиб чиқиб миллий концепция ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дунё бўйлаб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш амалиётини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бу жиноятларга қарши курашишда АҚШ, Европа давлатлари ичida Франция ва Литва алоҳида ўрин тутади.

ФАТФ тавсияларидан келиб чиқсан ҳолда, молиявий терговни амалга оширишдаги хорижий тажриба ўрганилганида, молиявий тергов дастлаб АҚШда қўлланила бошлаганини қўриш мумкин.

Хусусан, АҚШ Молия вазирлиги томонидан молиявий тергов ўтказилиши молиявий жиноятлар бўйича пул маблағлари оқимини аниқлаш

ва қайд қилишда ифодаланиб, ушбу фаолият билан боғлиқ молиявий ҳужжатларни ўрганишдан иборат.⁵⁰

АҚШ Молия вазирлиги тизимида молиявий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш мақсадида Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service, IRS) ва унинг бўлинмалари, терроризмга қарши қурашиш ва молиявий разведка хизмати (Office of Terrorism and Financial Intelligence, TFI) ташкил этилган.

Вазирликнинг терроризмга қарши қурашиш ва молиявий разведка хизмати таркибида молиявий жиноятларга қарши қурашиш бўлими (Financial Crimes Enforcement Network, FinCEN) мавжуд бўлиб, ушбу бўлим шубҳали ва жуда кўп миқдордаги пул маблағлари билан боғлиқ операцияларни ўрганиш орқали жиноий даромадларни легаллаштириш ва бошқа молиявий жиноятларга қарши қурашишни амалга оширади, бу каби операциялар бўйича маълумотлар базасини юритади ҳамда молиявий жиноятларга қарши қурашишни амалга оширувчи ваколатли органлар билан маълумотлар алмашинувини таъминлайди.

Ушбу бўлинмаларнинг молиявий терговни амалга оширишдаги асосий вазифаси жиноий фаолият билан боғлиқ бўлган пул маблағларини аниқлаш ва унинг ҳаракатини қайд этишдан иборат. Чунки пул маблағларининг қаердан келгани, уларни ким олгани ва қачон қўлга киритгани, қандай усулда амалга оширилганлигидан далолат берувчи фактларни ўрганиш орқали жиноий фаолиятни фош этиш мумкин.

АҚШ тажрибасига кўра, молиявий тергов тушунчасига бир мунча кенгроқ ёндашилади, яъни бу жараён фақат молиявий соҳадаги жиноятларни эмас, балки молия тизимидан фойдаланиб, содир этилган бошқа жиноятларни ҳам ўз ичига олади.

Мисол учун, АҚШда наркобизнеснинг молиявий жиҳатлари ҳам молиявий жиноят хисобланади.

⁵⁰ Қаранг: Лебедев И.А., Ефимов С.В. Финансовые расследования: российская практика и зарубежный опыт Аудиторские ведомости. 2018. №10. <https://wiseeconomist.ru/poleznoe/42641-finansovye-rassledovaniya-rossijskaya-praktika-zarubezhnyj-opyt>.

АҚШнинг Молиявий жиноятларга қарши курашиш хизмати директори Уильям Фокснинг фикрича, ушбу соҳада фаолият олиб борувчи мутахассисларнинг асосий вазифаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жиной йўл билан топилган пулларнинг молиявий жиҳатларини аниқлашда ёрдам беришдан иборат.⁵¹

Молиявий терговнинг амалий фаолият сифатидаги аҳамияти - жиной фаолиятнинг молиявий жиҳатлари, элементларини аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, банк ва бошқа амалий-иқтисодий фанлардан фойдаланиш бўйича услубий қоидалар мажмуасини қўллашдан иборат.

Шу ўринда Литва Республикаси тажрибасини ўрганидаган бўлсак, Литвада молиявий тергов олиб боришда қонунчилик асослари яратилганлиги, ушбу фаолият самарадорлиги ФАТФ томонидан ижобий баҳолангандигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Литва Бош прокурорининг 2013 йил 19 мартағи буйруғига асосан молиявий тергов ўтказиш бўйича Тавсиялар тасдиқланган.

Ушбу хужжатда молиявий тергов тушунчаси, ўтказиш тартиби, жиноят иши қўзгатишга қадар ва жиноят иши бўйича молиявий тергов ўтказиш, маълумотлар тўплаш, мол-мулкни мусодара қилишнинг қонуний асослари, учинчи шахсларга тегишли мол-мулкларни мусодара қилиш тартиби ёритиб берилган.

Чунончи, Литвада молиявий тергов тушунчасига шахсга ёки унга алоқадаор бўлган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ҳар қандай шаклдаги мол-мулк, битимлар ва молиявий операциялар тўғрисидаги маълумотларни йиғиши жараёни сифатида таъриф берилган.

Молиявий терговнинг мақсади жиной ёки бошқа ноқонуний йўллар билан олинган бўлиши мумкин бўлган мол-мулкни ёки тегишли қийматдаги мол-мулкни мусодара қилишда фуқаролик даъвосини таъминлаш, шунингдек

⁵¹ Карап: Американцы зовут нас в разведку. Интервью Уильяма Фокса//Российская газета. - 2005. - N 3780. <https://rg.ru/2005/09/09/firazvedka-usa.html>.

тергов учун зарур бўлган мол-мулк ва молиявий операциялар билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш ҳисобланади.

Жиноий фойда олиш фақатгина ҳар қандай шаклдаги мол-мулкни кўлга киритиш, балки мулкий мажбуриятдан бўйин товлаш ёки уни тўхтатишида (ҳаражат қилмаслик) ҳам ифодаланади.

Ушбу қоидалар Литва Республикасининг 2002 йил 20 июндаги № IX-965-сон «Тезкор фаолият тўғрисида»ги Конуенинг 5-моддасида ўз аксини топган бўлиб, **жиноий қилмишлар содир этиш билан боғлиқ бўлган нарсаларни, пулларни, қимматли қоғозларни, бошқа мол-мулкни қидириш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг асосий вазифаларидан бири** ҳисобланади.

Мазкур норма билан **терговга қадар текширув жараёнида молиявий тергов ўтказишининг мажбурийлиги белгиланган**.⁵²

Дастлабки тергов жараёнида эса молиявий тергов ЖПК ва бошқа қонун талабларига асосан олиб борилади.

Гумон қилинувчининг ноқонуний бойлик орттириши факти, жиноий фаолиятдан олинган ноқонуний даромад миқдори жиноят қонунини қўллаш билан боғлиқ бўлган, жиноят иши доирасида исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳисобланади.

Чунончи, Литва Жиноят кодексининг 72-моддаси нормалари талқинига кўра, **дастлабки терговни амалга оширувчи мансабдор шахс, прокурор ва судларга мол-мулкни мусодора қилинишини таъминлаш, яъни айланувчининг жиноий фаолиятдан олинган даромадлари ҳажми, ноқонуний даромад олиш факти, айланувчи ёки бошқа шахларга тегишли, жиноий фаолиятдан олинган мол-мулк ёки қийматига teng мол-мулкни қидириб топиш ва ушбу мол-мулқдан фойдаланишни чеклаш чораларини кўриш мажбурияти юкланган**.

⁵² Литва Республикасининг 2002 йил 20 июндаги № IX-965-сон «Тезкор фаолият тўғрисида»ги Конуни., 5-модда.

Шу каби, Литва Республикасининг 2002 йил 14 мартдаги IX-785-сон Қонуни билан қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексининг 151-моддаси 1-қисмида фуқаровий даъвони ёки мол-мulkни мусодара қилиниши мумкинлигини таъминлаш мақсадида прокурорнинг қарори асосида **гумон қилинувчига ёки қонун хужжатлариға мувофиқ жиноий йўл билан олинган ёхуд қўлга киритилган мол-мulkка эга бўлган гумон қилинувчининг** ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган жисмоний шахсларга нисбатан **мulkка бўлган ҳуқуқларни вақтинча чеклаш тайинланиши мумкин.**

Мол-мulkning мусодара бўлиши мумкинлигини ёки фуқаровий даъвони таъминлаш учун юридик шахснинг мол-мulkни ҳам прокурор қарорига асосан **вақтинча чекланиши** мумкин.

Ушбу қонунда белгиланишича, мол-мulkдан фойдаланишни **вақтинча чеклаш, мол-мulkка тақиқ қўйиш шаклида тинтув ёки олиб қўйиш ҳаракатлари билан бирга ўтказилади.** Мол-мulkдан фойдаланишни вақтинча чеклаш 6 ойгача бўлган муддатга қўлланилиб, кўпи билан яна олти ойга факат суд томонидан узайтирилиши мумкин.

Жиноят кодексида берилган таърифга кўра, мол-мulkни мусодара қилиш - мусодара қилиниши лозим бўлган ва ҳуқуқбузарнинг ёки бошқа шахсларнинг ихтиёрида бўлган ҳар қандай турдаги мол-мulkни давлат мулкига мажбуран текин ўтказишдан иборат.

Ушбу Кодексда тақиқланган ҳаракатни содир этишда фойдаланилган қурол ёки восита ёхуд бундай ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижасида олинган ҳар қандай шаклдаги мол-мulk мусодара қилинадиган мулк деб топилади.

Мусодара этилиши белгиланган ҳуқуқбузарнинг мол-мulkни ҳар қандай ҳолатда ҳам мусодара этилиши лозим.

Бошқа жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган ва мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мulk, шахс ушбу Кодексда тақиқланган қилмиш учун судланганлигидан қатъи назар, мусодара қилиниши керак, агар:

1) шахс мулкни ҳуқуқбузарга ёки бошқа шахсларга ўтказаётганда у ушбу мулкдан Кодексда тақиқланган қилмишни содир этиш учун фойдаланилишини билган ёки билиши лозим бўлганда;

2) мулк сохта битим орқали ўтказилганда;

3) мол-мулк унга ҳуқуқбузарнинг оила аъзоси ёки яқин қариндоши сифатида берилганда;

4) мол-мулк унга юридик шахс сифатида берилган бўлса, айбор, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошлари юридик шахснинг раҳбари, бошқарув органининг аъзоси ёки юридик шахс улушларининг камида эллик фоизига эгалик қилувчи иштирокчилар бўлса (акциялар, депозитлар ва бошқалар);

5) мол-мулкни сотиб олаётганда юридик шахсда бошқарув лавозимларини эгаллаб турган ва унинг вакили бўлган, юридик шахс номидан қарорлар қабул қилиш ёки юридик шахс фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан мулк ушбу Кодексда тақиқланган қилмишни содир этиш учун фойдаланиладиган восита ёки бундай қилмишнинг натижаси эканлиги маълум бўлган тақдирда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки мазкур қонунда мол-мулк яширилган, сарфланган, учинчи шахсларга тегишли бўлса, ёки бошқа сабабларга кўра олиб қўйиш имконияти бўлмаса, ёхуд ушбу мулкни мусодара қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, суд ҳуқуқбузардан ёки 72-модданинг 4-бандида кўрсатилган шахслардан мусодара қилинадиган мол-мулкнинг қийматига teng пул суммасини ундириши белгиланган.

Бундан ташқари, Литва ЖКнинг 72³-моддасида мулкни кенгайтирилган мусодара қилиш тартиби белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузарнинг қонуний даромадига номутаносиб мол-мулки ёки унинг бир қисмини, агар ушбу мулк жиноий йўл билан олинган деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат даромадига ўтказиш ҳисобланади.

Мулкни кенгайтирилган мусодара қилиш қуйидаги шартларга асосан қўлланади:

1) жиноят содир этган шахс унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир қасдан содир этган жинояти учун судланган бўлиб, ушбу қилмишлари орқали моддий манфаат олган ёки олиши мумкин бўлса;

2) хуқуқбузар ушбу Кодексда тақиқланган қилмишни содир этиш пайтида, содир этилганидан кейин ёки содир этилганидан олдинги беш йил мобайнида сотиб олинган, қиймати хуқуқбузарнинг қонуний даромадига тўгри келмайдиган ёки ўртacha яшаш даражасидан 250 марта ортиқ бўлган мол-мулкка эгалик қилса, ёхуд ушбу бандда белгиланган муддатда бундай мол-мулкни бошқа шахсларга берса;

3) жиноят содир этган шахс томонидан суд жараёнида мулк келиб чиқишининг қонунийлиги тўғрисида далил тақдим этмилаган бўлса.

Литва қонунчилигига жиноий даромадларни қидириш ва мусодара қилиш чораларини кўришда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли вазифаларнинг юклтилгани, мол-мулкни мусодара қилишнинг аниқ тартиби белгилангани дикқатга сазовор.

Кейинги ўринда **Россия Федерациясининг** молиявий терговни амалга оширишдаги тажрибасини ўрганганимизда маълум бўлишича, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб борасида маҳсус ваколатли орган Молиявий мониторинг бўйича федерал хизмат яъни “Росфинмониторинг” ҳисобланниб, у хуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланмасада, ваколат доирасида ушбу соҳада молиявий терговни амалга оширади.

Россия Федерациясининг (кейинги ўринларда РФ деб юритилади) «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 1995 йил 12 августдаги №144-ФЗ-сон Федерал Қонунининг 2-моддасида **мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкни аниқлаш** тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

РФ Жиноят кодексининг 104.1-моддасида мулкни мусодара қилиш — қўйидаги мол-мулкни айблов ҳукми асосида мажбурий текин олиб қўйиш ва давлат мулкига ўтказиш ҳисобланади:

а) ЖКда назарда тутилган жиноятларни содир этиш натижасида олинган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк;⁵³

б) ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган жиноятларнинг камида биттасини содир этиш натижасида олинган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мулк, ёки ушбу мол-мулқдан олинган даромадлар қисман ёки тўлиқ мулкка айлантирилган ёки шакли ўзгартирилган бўлса;

в) терроризмни, экстремистик фаолиятни, уюшган гуруҳни, ноқонуний қуролли гуруҳни, жиноий уюшмани (жиноий ташкилотни) молиялаштириш учун фойдаланилган ёки мўлжалланган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк;

г) айбланувчига тегишли бўлган жиноят содир этиш қуроллари, жиҳозлар ёки бошқа воситалар.

Агар жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк ва (ёки) ушбу мол-мулқдан олинган даромад қонуний равища сотиб олинган мол-мулкка қўшилган бўлса, ушбу мол-мулкнинг қўшилган мол-мулк қийматига ва ундан олинган даромадга тўғри келадиган қисми мусодара қилинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, маҳкум томонидан бошқа шахсга (ташкилотга) топширилган мол-мулк, агар мулкни қабул қилган шахс унинг жиноий ҳаракатлари натижасида олинганлигини билган ёки билиши керак бўлса, мусодара қилинади.

Агар ушбу Кодекснинг 104.1-моддасида кўрсатилган мол-мулк таркибиغا киритилган муайян предметни мусодара қилиш суд томонидан ушбу предметни ундан фойдаланиш, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра мусодара қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш вақтида имконсиз бўлса, суд ушбу ашёнинг қийматига мос келадиган пул суммасини мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Ушбу Кодекснинг 104.1-моддасида кўрсатилган мол-мулк таркибиغا киритилган нарса эвазига мусодара қилиниши лозим бўлган маблағлар

⁵³ Каранг: Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 25.03.2022). ст. 104.1. // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/f22429461fc4befb140b98a33cf3521eea282f7d/.

бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда, суд қиймати унинг қийматига тўғри келадиган бошқа мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқаради (РФ фуқаролик процессуал қонунчилигига мувофиқ ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно).

Шу ўринда мулкнинг жинойй йўл билан қўлган киритилганлигини исботлаш суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, жиноят содир этилишида айни исботлашнинг асосий элементларидан биридир.

РФ ЖПКнинг 73-моддасида исботлаш талаб этилиши лозим бўлган ҳолатлардан бири сифатида мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк жиноят содир этиш натижасида олинганлигини ёхуд ушбу мол-мулқдан олинган даромадлар эканлигини ёхуд жиноят қуроли, воситалари сифатида фойдаланилганлиги ёхуд фойдаланишга мўлжалланганлигини тасдиқловчи ҳолатлар, терроризмни, экстремистик фаолиятни, уюшган гурухни, ноқонуний қуролли гурухни, жинойй уюшмани молиялаштиришнинг бошқа воситалари исботланиши лозимлиги белгиланган.⁵⁴

Кодекснинг 81-моддасида жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган пул, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк **ашёвий далил ҳисобланиши** ва давлат фойдасига мусодара қилини ёки эгасига қайтарилиши белгиланган.

РФ ЖПКнинг 115-моддасида мол-мулкни хатлаш тартиби белгиланган. Унга кўра, ЖКнинг 104.1-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролик даъвоси, жарима, бошқа мулкий жазо ундирилиши ёки мулкни мусодара қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича хукм ижросини таъминлаш мақсадида терговчи, тергов органининг раҳбари ёки суриштирувчи прокурорнинг розилиги билан гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар

⁵⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 25.03.2022, с изм. от 19.04.2022).

шахсларнинг мол-мулкини хатлаш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қиласди.

Суд илтимосномани кўриб чиқиб, мулкни хатлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда бундай қарор қабул қилинишига асос бўлган аниқ, фактиқ ҳолатларни кўрсатиши, шунингдек, олиб қўйилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ чекловларни белгилаши шарт.

Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи бўлмаган ёки уларнинг қилмишлари учун қонуний жавобгар бўлган бошқа шахсларнинг мол-мулки, агар ушбу мол-мулк гумон қилинувчининг, айбланувчининг жиноий ҳаракатлари натижасида олинган деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса хатланиши мумкин.

Францияда ҳам жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳисобварақларига эгалик қилиш ёки назорат қилишни ўз вақтида аниқлашнинг самарали механизмлари мавжуд.

Суд, назорат органлари, тергов органлари, полиция ва божхона ходимлари, шунингдек суд солиқ инспекторлари, миллий марказий банкнинг ҳисоб варақлар файли (FICOBA) дастури орқали банк маълумотларига бевосита кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу марказлаштирилган маълумотлар базаси Давлат бюджет бошқармаси томонидан бошқарилиб, унда жисмоний шахсларнинг фуқаролик ҳолати, ҳисоб рақами, тури, юридик шахслар учун ҳуқуқий шакл/СИРЕТ рақами тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Терговчилар ушбу базадан (суд қарори билан) Францияда жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек француз ёки хорижий ташкилот эгалик қиласдиган активларни аниқлаш учун фойдаланишлари мумкин.

Хусусан, ваколатли органлар ҳисоб вараглардан эгасининг хабардорлигисиз, уни олдиндан огохлантирмасдан активларни аниқлаш жараёнида фойдаланадилар.⁵⁵

Ушбу ваколат Франция ЖПКнинг 18-моддасида белгиланган бўлиб, прокуратура органлари француз жиноий полицияси терговчилари сифатида жиноий йўл билан олинган мол-мулкни аниқлаш, таъқиб қилиш ва мусодара қилиш тўғрисида иш кўзгатиш ваколатига эга.

Франция Жиноят қонунчилиги нормаларини ўрганадиган бўлсак, Жиноят кодексида жиноий йўл билан олинган даромадларнинг мусодара қилиниши аниқ нормалар билан белгиланганига гувоҳ бўламиз.

Чунончи, Франция Жиноят кодексининг **131-21 моддасига кўра, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо тури ҳисобланади.**

Жиноий қилмиш содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар, жиноий қилмиш натижасида қўлга киритилган нарсалар мусодара этилади.

Бундан ташқари, мусодара қонун ёки жиноий ҳаракатни жазолайдиган қоидалар билан белгиланган ҳар қандай кўчар мулкка нисбатан қўлланиши мумкин.

Агар мусодара қилиниши лозим бўлган нарса олиб қўйилмаган ёки олиб қўйилиши мумкин бўлмаса, унинг қийматига teng микдордаги нарса мусодара қилиниши белгиланган.

Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимларнинг фикри ҳам турлича бўлиб, молиявий тергов атамасига турлича таърифлар берилган.

Айрим олимлар молиявий тергов тушунчасини «форензик» атамаси билан бир хил деб ҳисоблашади.

Хусусан, А.Эноф ва П.Омегбонлар форензик атамасига фирибгарликни фош этиш учун аудиторлик, криминалистик ва молиявий воситаларни ўзида акс эттирувчи фаолият деб таъриф беришган.

⁵⁵ Отчет взаимной оценки меръ Франции по борьбе с отмыванием денег и финансированием терроризма. 2022 г. Май. <https://www.fatf-gafi.org/publications/mutualevaluations/documents/mer-france-2022.html>. 81-100, 300-303 б.

Хозирда бу фаолиятдан асосан хусусий секторда кенг фойдаланилмоқда, яъни форензик хусусий компаниялардаги ходимларнинг фирибгарлик ва коррупцион жиноятларини фош этишга қаратилган фаолият бўлиб, молиявий ҳужжатлар таҳлили ва компьютер дастурлари, технологияларини ўрганиш орқали амалга оширилади.⁵⁶

Биз бу таърифга тўлиқ қўшила олмаймиз, сабаби халқаро стандартларга мувофиқ молиявий тергов давлат томонидан маҳсус ваколат берилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки бошқа назорат идоралари томонидан амалга ошириладиган фаолият тури ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган хусусий сектордаги айrim компаниялар, аудиторлик ташкилотлари томонидан ички молиявий барқарорликни таъминлашда ўтказилаётган аудиторлик хусусиятига эса текширувлар том маънода молиявий тергов ҳисобланмайди, ушбу органларни ҳам молиявий терговни амалга оширувчи субъектлар қаторига киритиб бўлмайди.

Зеро, ушбу ташкилотлардан, улар томонидан тақдим этилган маълумотлардан молиявий терговни амалга оширишда ёрдамчи куч ва восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида эса форензик бу компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бўйича далилларни тўплаш ва баҳолашдан иборат криминалистик тадбирларни ташкил этади.⁵⁷

Фикримизча, форензик молиявий терговнинг бир қисми бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки ваколат берилган бошқа идоралар томонидан амалга оширилганида муҳокама қилинаётган мавзунинг предмети ҳисобланади.

Ушбу соҳада изланишлар олиб борган рус тадқиқотчилари Е.Кондратьева ва А.Горюновлар молиявий тергов атамасига пул маблағлари

⁵⁶ Федотов Н.Н.: Форензика - компьютерная криминастика - М.: Юридический мир, 2007. 12-13-б.

⁵⁷ Медведев И.В.: Компьютерная криминастика «форензика» и киберпреступность в России., Пролог, 2013. 67-68-б., <https://cyberleninka.ru/article/n/kompyuternaya-kriminalistika-forenzika-i-kiberprestupnost-v-rossii>.

билинг боғлиқ муносабатларда содир этилган жиноятларни ўрганиш ва далиллар тўплаш сифатида таъриф беришган.

В.Ефимов ва А.Бродуновлар эса молиявий тергов иқтисодий жиноятларни тергов қилиш, ички аудит ўтказиш ва давлат томонидан амалга ошириладиган назорат функцияларидан иборат эканлиги тўғрисида фикр билдиришган.

Ушбу йўналишда охирги изланишларни олиб борган Н.Стаканова ва Т.Татаровскаяларнинг фикрича, молиявий тергов жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганиш, яъни жиноий фаолият натижасида олинган даромадлар, пул маблағларининг ҳаракатини аниқлаш ва қайд этишдан иборат фаолият ҳисобланади.

Уларнинг таъкидлашича, молиявий терговни ўтказишида иқтисодий (қонун бузилишларини содир этишнинг иқтисодий механизмларини аниқлаш ва ўрганиш), хукуқий (хукуқбузарликларни квалификация қилиш), криминалистик (хужжатларни тўплаш, ўрганиш ва мустаҳкамлаш), криминологик ва психологик (иқтисодий жиноятларни содир этган шахснинг психологик хусусиятларини аниқлаш) омиллар мавжудлигини назарда тутувчи фанлараро аълоқадорликни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган миллий соҳа намояндлари У.Нигмаджанов ва Д.Хамзаевлар молиявий тергов тушунчасига жиноятларнинг молиявий жиҳаларини комплекс ўрганиш сифатида таъриф беришиб, молиявий операцияларни тўлиқ ўрганиш ва объектив баҳо бериш учун қўшимча билимлар талаб этилишини таъкидлашган.

Бизнинг фикримизча ҳам иқтисодий жиноятлар бўйича молиявий терговни амалга оширишда жиноий даромадларни легаллаштириш усулларини ўз вақтида аниқлаш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларнинг ҳаракатини ўрганиш, зудлик билан хатлаш чораларини кўриш, далилларни тўплашни таъминлаш мақсадида молия, суд-бухгалтерия, криминалистика,

криминология, аудит тўғрисида билим ва кўниқмаларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан идоравий тайёргарлик ва кадрлар малакасини оширишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва институтлар даражасида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун молиявий тергов олиб бориш бўйича маҳсус ўкув курсларини жорий этиш мақсадга мувофик.

Шу мақсадда, иқтисодий жиноятларнинг молиявий жиҳатларини тўлиқ ўрганиш, жиноий йўл билан олинган даромадларни тўлиқ фош этиш, мусодара қилинишини таъминлаш, жиноятларнинг содир этиш усусларини, жиноят иштирокчиларини тўлиқ фош этилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги таклифлар киритилади:

- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида молиявий тергов, шу жумладан параллел молиявий тергов ўтказиш тартибини белгиловчи хукumat даражасида норматив хужжат ишлаб чиқиши;

- олий таълим муассасаларининг ўкув дастурларига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги маҳсус ўкув курсларини киритиши;

- олий таълим муассасалари, шунингдек, идоравий таълим муассасаларининг бундай жиноятларга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул ўқитувчи ҳамда мутахассислари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни назорат қилувчи идоралар мутахассисларининг малақасини ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича ўкув дастурларини жорий этиши;

- жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни

молиялаштиришга қарши курашиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш.

Ушбу таклифларимизнинг амалиётга татбиқ этилиши жиноий йўл билан олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларнинг ўз вақтида аниқланиши ва хатланиши, янги жиноятлар содир этилишининг олди олиниши, жиноий гурухларнинг фаолиятига чек қўйилишида самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

3.2. Ўзбекистон Республикасида молиявий тергов ўтказиши такомиллаштириш масалалари

Тадқиқот жараёнида маълум бўлишича, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш борасидаги халқаро стандартлар, мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланиб, миллий қонунчиликка имплементация қилиниши ва фаолият самарадорлигини таъминлаш чоралари кўрилишини талаб этмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида мамлакатларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш борасидаги миллий тизимининг ФАТФ ва унинг регионал гурухлари томонидан баҳолаш натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳисоботлар орқали кўришимиз мумкин.

Зеро баҳолаш жараёнида мамлакатларнинг халқаро стандартлар, яъни ФАТФ тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиниши таҳлил қилиниб, назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан идоравий ҳужжатлар қабул қилингани, ушбу фаолиятни тўғри ташкил этиш бўйича методологиялар ишлаб чиқилгани, ходимларнинг касб малакасини ошириш борасидаги ишларнинг йўлга қўйилгани, фаолият самарадорлигига қандай ижобий таъсир кўрсатгани ўрганилиб, шу асосда миллий қонунчиликка баҳо берилмоқда.

Бу ўз навбатида мазкур соҳасидаги назарий, ташкилий, ҳуқуқий муаммоларни комплекс ўрганиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларидан келиб чиқсан ҳолда қонунчиликни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказиш такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқища юқорида асослаганимиздек, назария, таҳлиллар ва иш ҳужжатларини яқиндан ўрганиш давомида бир қанча муаммоларга дуч келдик.

Хусусан, бу борада халқаро стандартлар, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили натижалариға кўра, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, жиноят-процессуал қонунчилигига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш, мусодара қилинши таъминлаш мақсадида хатлаш, суд томонидан эса мусодара қилиниши таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, умуман олганда асосий жиноятлар бўйича молиявий тергов олиб боришда етарли ҳуқуқий асослар бўлиши, бу борадаги ягона амалиётнинг йўлга қўйилиши фаолиятнинг самарали ташкил этилишини таъминлайди.

Шу сабабли, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларга тўхталиб, уларни бартараф этиш, илмий, ташкилий, ҳамда амалий таклифларимизни бирма-бир келтириб, асослаб беришга ҳаракат қиласиз.

Биринчидан, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида жиноий фаолиятдан олинган легаллаштиришга қарши курашиб борасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **вазифаларини қатъий белгилаш** мақсадга мувофиқ.

Хусусан, амалдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қўйидагилар белгиланган:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

- жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;

- суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаш;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ходисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш.

Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 13-моддасида тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари сифатида ҳам жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни **аниқлаш белгиланмаган**.

Ушбу нормада тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш вазифасининг киритилмаганлиги, фаолият самарадорлигини таъминлашда салбий таъсир 58 кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 4-моддасига тезкор-қидириув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш тўғрисидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ**.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 13-моддасига тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари сифатида **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш тўғрисидаги нормаларни киритиш ҳам таклиф этилади**.

Шу каби, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39²-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиги ва унинг мансабдор

⁵⁸ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 96-101 б.

шахси жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шартлиги белгиланган.

Терговга қадар қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси мажбуриятларига **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлашни киритиши** таклиф этилади.

Иккинчидан, жиноят-процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув, дастлабки терговни олиб бориша жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга teng қийматдаги мол-мулкнинг **хатланиши тўғридан-тўғри белгиланмаган** бўлиб, қонун нормаларида асосий урғу ашёвий далилларнинг хатланиши, фуқаровий ҳамда мулкий ундирувларни таъминлашга қаратилган.

Бироқ, жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга teng қийматдаги мол-мулкнинг **хатлаш аниқ нормалар билан белгиланмаган**.

Бу ҳолат миллий тизимни ўрганиш натижаларига кўра салбий кўрсаткич сифатида баҳоланган.⁵⁹

Мисол учун, ЖПКнинг 384-моддасида айблов хulosasi ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар кўрсатилган, хусусан ушбу модданинг 9-бандида фуқаровий даъвони ва бошқа мулкий ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириши шартлиги белгиланган.

⁵⁹ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 99-101 б.

ЖПК нормаларини ФАТФ тавсияларига мувофиқлаштириш, молиявий тергов ўтказишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 384-моддаси 9-бандини айлов хулосаси ёки айлов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан қўйидагиларни ўрганиш шартлигини назарда тутувчи таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

фуқаровий даъвони ва бошқа мулкий ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини, шу жумладан жиноят содир этилиши натижасидан қўлга киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга тенг қийматдаги мол-мулкнинг хатланганлигини текшириши шарт.

Шу ўринда, хорижий тажрибани ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчиликда ашёвий далил тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган, хусусан, жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган ёки олинган фойда, яъни пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк **ашёвий далил тушунчасига киритилмаган**.

Бу эса ўз навбатида дастлабки тергов олиб боришда ушбу тоифадаги мол-мулкни хатлаш жараёнига нотўғри ёндашишга олиб келади. Шу ўринда халқаро эксперtlар томонидан миллий қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тергов органларининг асосий эътибори жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўришга қаратилиб, жиноий даромадларни аниқлаш ва хатлаш чораларини кўришга етарли эътибор қаратилмаётганлигининг сабаби деб таъкидланган.

Мусодара қилишни ҳуқиқий тартибга солишнинг юқоридаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган холда экспертлар хулосасига кўра, моддий зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлардан олинган даромадлар, жиноят содир этиш қуроллари ва воситалари ҳамда унинг эквиваленти

микдоридаги мол-мулкни мусодара қилиш мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатининг мақсади эмас⁶⁰.

Фикримизча, юқоридаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 203-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсири этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физиковий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиласиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса, **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ҳамда бошқа мол-мулк ашёвий далил ҳисобланади».**

Учинчидан, ФАТФнинг 33-тавсиясида мамлакатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимиning самарадорлиги ва натижадорлиги билан боғлиқ масалалар бўйича тўлиқ статистик маълумотларни юритиши лозим.

Ушбу ҳисоботлар қабул қилинган ва юборилган шубҳали оперциялар, дастлабки тергов олиб борилган жиноят ишлари, суд ҳукмлари, ушбу жиноят ишлари бўйича музлатилган, хатланган ва мусодара қилинган мол-мулқ, халқаро-хуқуқий ёрдам ёки ҳамкорликни таъминлашдаги бошқа халқаро сўровлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Бироқ, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов ўтказилган жиноят ишлари, улар бўйича хатланган ва мусодара қилинган мол-мулқ, жиноий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар юзасидан ягона статистика юритилмаётганлиги маълум бўлиб, ушбу фаолиятни таҳлил қилиш, самарадорликни таъминлаш мақсадида фаолиятни мувофиқлаштириб борища бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

⁶⁰ Отчет взаимной оценки Республики Узбекистан. Евразийская группа по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма. 471 б.

Шу муносабат билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида дастлабки тергов ва суд натижалари, хатланган ва мусодара қилинган молмулк билан боғлиқ маълумотларни ўзида акс эттирувчи идоралараро ягона ҳисобот тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуидаги илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

1. Тадқиқот натижаларидан шуни таъкидлаш жоизки, молиявий тергов жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини мустаҳкамлаш, асосий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш фактларини фош этиш ҳамда тергов қилиш самарадорлигини ошириш, далилларни тўплаш ҳамда мустаҳкамлаш, жиноий даромадлар, молиялаштириш манбалари ва бошқа мол-мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқлаш, хатланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуудан иборат.

Молиявий терговни амалга ошириш жиноий даромадларни аниқлаш мақсадида тезкор-қидирав тадбирлари, жиноят-процессуал қонунчилигига асосан процессуал ҳаракатларни бажариш, маҳсус ваколатли орган томонидан молиявий таҳлил олиб бориш, ахборот ресурслари, интернет тармоғидаги маълумотлардан фойдаланишда ифодаланиб, молиявий тергов жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ўтказилиши мумкин.

Молиявий терговни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад талонторож қилинган маблағлар, мол-мулк, олинган жиноий даромадлар ва бошқа мулкларни кейинчалик мусодара қилиш учун аниқлаш ҳамда хатланишини таъминлашдир.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, молиявий тергов тушунчасига қуидагича **муаллифлик таърифини беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «молиявий тергов» – хукуқни муҳофаза қилувчи ёки ваколат берилган бошқа органлар томонидан жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини ўрганишда ифодаланадиган, жиноий фаолият натижасида**

олинган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай шаклдаги мол-мулки, пул маблағлари, бошқа активлари ёки улар билан боғлиқ битимлар ва операциялар тўғрисида ахборотни йиғиш ва ўрганишдан иборат.

Шунингдек, параллель молиявий тергов терминига қуидаги таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш жиноятлари ёки асосий жиноятлар юзасидан тергов олиб борилаётган бир вақтда молиявий тергов ўтказишдан иборат.

Шу сабабли, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар терговчилари асосий жиноятлар юзасидан тергов олиб бориш жараёнида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳолатлари (фактлари) юзасидан параллель равишда молиявий тергов олиб боришлари ёки материалларни шундай ваколат берилган органга молиявий терговни ўтказиш учун юбориш ваколатига эга бўлишлари лозим.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба таҳлилидан келиб чиқиб, қуидаги жиноятлар бўйича **молиявий терговни амалга ошириш мажбурийлигини белгилаш** мақсадга мувофиқ:

а) жуда кўп микдорда зарар етказиш ёки жиноий даромад олиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилган ҳолатлар бўйича;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, шу жумладан асосий жиноят Ўзбекистан ҳудудидан ташқарида содир этилган бўлса;

в) террористик, шу жумладан терроризмни молиялаштириш хусусиятига эга бўлса.

Бошқа ҳолларда молиявий тергов ваколатли органлар қарори билан, шу жумладан миллий хавфни баҳолаш натижаларига кўра жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш хавфи «**жуда юкори**» ва «**юкори**» деб баҳоланган асосий жиноятларга устуворлик берган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Фикримизча, молиявий терговни амалга ошириш усуллари сифатида қўйидагиларни белгилаш лозим:

- тезкор-қидирув тадбирлари орқали;
- жиноят-процессуал кодексига мувофиқ процессуал ҳаракатларни бажариш;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича маҳсус ваколатли давлат органи томонидан молиявий таҳлил ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар йиғиш;
- очиқ ахборот манбалари, хорижий давлатларнинг ахборот ресурслари ва интернет тармоғи маълумотларидан фойдаланиш;
- қонунда назарда тутилган ёки тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Шу ўринда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда маҳсус ваколатли орган, яъни молиявий разведка бўлими томонидан амалга ошириладиган фаолиятни – молиявий таҳлилни ҳам таъкидлаш жоиз.

Зоро, **молиявий таҳлил** бу – аниқ мақсадларни, шу жумладан ҳаракатларни ёки операцияларни кузатиш орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, у билан боғлиқ предикат жиноятларни ҳамда терроризмни молиялаштириш ҳолатларини, шу жумладан жиноятга алоқадор шахслар ва мол-мулкни аниқлаш мақсадида шубҳали операциялар (битимлар) тўғрисидаги хабарларни, шунингдек бошқа мавжуд ва олиниши мумкин бўлган маълумотларни таҳлил қилишдан иборат бўлиб, фақатгина маҳсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Шундай қилиб, фикримизча молиявий тергов тушунчасининг, уни ўтказиш тартибининг қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмагани амалиётда жиноий фаолиятнинг молиявий жиҳатларини тўлиқ

ўрганилмаслигига, жиноий даромадлар, бошқа мол-мулкларнинг фош этилмаслиги, давлат фойдасига мусодара қилинмаслигига сабаб бўлиб, ўз навбатида жиноятчилар ёки жиноий гурӯҳларнинг такроран жиноят содир этишлари учун шароит яратади.

Шу ўринда жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш ҳолатлари юзасидан молиявий тергов тушунчаси, уни ўтказиш тартиби, шартлари, хуқуқий асосларини ёритиб берувчи амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда маҳсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш мақсаддага мувофиқ.

II. Ташкилий-хуқуқий масалаларга оид хуносалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 28 июнда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6252-сонли Фармоннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини таъминлашдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Стратегияда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайтириш, миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, ФАТФ тавсияларининг миллий қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини, жиноятларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, давлат органлари фаолият самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, соҳага жалб этилган давлат органлари ходимлари касб маҳоратини ошириш асосий йўналишлар сифатида белгиланди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида жиноий фаолиятдан олинган даромадлар ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ҳолатлари

бўйича молиявий тергов ўтказишни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиши, қарор лойиҳасида молиявий тергов тушунчаси, ўтказиш тартиби, шартлари, идоралароро ва ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш талабларини ўзида акс эттирган Низом лойиҳасини, ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

2. Олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги маҳсус ўқув курсларини киритиши.

3. Олий таълим муассасалари, шунингдек, идоравий таълим муассасаларининг бундай жиноятларга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул ўқитувчи ҳамда мутахассислари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни назорат қилувчи идоралар мутахассисларининг малакасини ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув дастурларини жорий этиш.

4. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, суд тизимишининг жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризм молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишдаги фаолиятини таҳлил қилиш, мувофиқлаштириш ҳамда самарадорликни таъминлаш мақсадида дастлабки тергов олиб борилган жиноят ишлари, қабул қилинган суд хукмлари, ушбу жиноят ишлари бўйича хатланган ва мусодара қилинган мол-мулкнинг ҳисобини юритишни тартибга солувчи идораларо Низом лойиҳасини ишлаб чиқиши.

III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1.1 Жиноят, жиноят процессуал, тезкор-қидиув фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларига жиноий фаолиятдан олинган легаллаштиришга қарши курашиш борасидаги хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вазифаларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида тезкор-қидириув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгиланган:

- инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларниң мол-мулки ҳимоя қилинишини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;
- жиноятларниң олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш;
- суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиной жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш, шунингдек таниб олинмаган мурдаларниң шахсини аниқлаш;
- шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солаётган шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақида ахборот тўплаш.

Бундан ташқари, мазкур Қонунининг 13-моддасида тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларниң мажбуриятлари сифатида ҳам жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш белгиланмаган.

Ушбу нормада тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш вазифасининг киритилмаганлиги, фаолият самарадорлигини таъминлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига тезкор-қидириув фаолиятининг асосий вазифалари сифатида, 13-моддасига эса тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларниң мажбуриятлари сифатида жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо

буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлаш тўғрисидаги нормани киритиш таклиф этилади.

1.2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39²-моддасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси жиноятнинг олдини олиш ёки унинг содир этилишига йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширган гумон қилинувчиларни қидириб топиш ҳамда жиноят туфайли етказилган мулкий зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш учун зарур бўлган, кечиктириб бўлмайдиган барча ҳаракатларни амалга ошириши шартлиги белгиланган.

Терговга қадар қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси мажбуриятларига қўшимча равида **жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулкни аниқлашни киритиш таклиф этилади.**

2.1. ЖПКнинг 82-моддасида айглаш ва ҳукм қилиш учун асослар кўрсатилган бўлиб, шахсни содир этилган муайян жинояти учун айглашнинг асослари, исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган. Бироқ, ушбу моддада айглаш учун асослардан бири сифатида етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори исботланган бўлиши шартлиги баён этилган. Жиноий фаолият натижасида олинган ноқонуний даромадлар, жиноий фаолият ёки гурухни молиялаштириш воситалари кўрсатилмаган.

Ушбу нормани халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида, шунингдек хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, амалдаги ЖПКнинг 82-моддасига айглаш ва ҳукм қилиш учун асослар сифатида **мол-мулк жиноят содир этиш натижасида олинганлиги ёки ушбу мол-мулқдан олинган даромадлар эканлиги ёхуд жиноят қуроли, воситалари сифатида фойдаланилганлиги ёхуд фойдаланишга мўлжалланганлиги, терроризмни, экстремистик фаолиятни, жиноий уюшмани (жиноий ташкилотни) молиялаштириш воситалари**

Эканлигини исботаланиши лозимлиги тўғрисидаги нормаларни киритиш таклиф этилади:

Шу каби, ЖПКнинг 384-моддасида айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ҳал этиши лозим бўлган масалалар кўрсатилган, хусусан модданинг 9-бандида фуқаровий даъвони ва бошқа мулкий ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини текшириши шартлиги белгиланган.

ЖПК нормаларини ФАТФ тавсияларига мувофиқлаштириш, молиявий тергов ўтказишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 384-моддаси 9-бандини айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурор ёки унинг ўринbosари томонидан қўйидагиларни ўрганиш шартлигини назарда тутувчи таҳрида баён этиш таклиф этилади:

фуқаровий даъвони ва бошқа мулкий ундиришларни таъминлаш чоралари кўрилган-кўрилмаганлигини, шу жумладан жиноят содир этилиши натижасидан қўлга киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга teng қийматдаги мол-мулнинг хатланганлигини текшириши шарт.

2.2. Жиноят-процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув, дастлабки терговни олиб боришда жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга teng қийматдаги мол-мулкнинг хатланиши тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлиб, асосий урғу ашёвий далилларнинг хатланиши, фуқаровий ҳамда мулкий ундирувларни таъминлашга қаратилган.

Бироқ, жиноий йўл билан қўлган киритилган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулклар, ёки уларга teng қийматдаги мол-мулкни хатлаш аниқ нормалар билан белгиланмаган, жиноят натижасида олинган мол-мулк ашёвий далил сифатида эътироф этилиши қайд этилмаган.

Бу ҳолат миллий тизимни ўрганиш натижаларига кўра салбий кўрсаткич сифатида баҳоланган.

Хорижий тажрибани ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий қонунчиликда ашёвий далил тушунчасига тўлиқ таъриф берилмаган, хусусан, жиноят содир этилиши натижасида қўлга киритилган ёки олинган фойда, яъни пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа мол-мулк ашёвий далил тушунчасига киритилмаган.

Бу эса ўз навбатида дастлабки тергов олиб борища ушбу тоифадаги мол-мулкни хатлаш жараёнига нотўғри ёндашишга олиб келади. Шу ўринда ҳалқаро эксперtlар томонидан миллий қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тергов органлари томонидан асосий эътиборни жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўришга қаратилиб, жиной даромадларни аниқлаш ва хатлаш чораларини кўришга етарли эътибор қаратилмаганлиги таъкидланган.

Фикримизча ЖПКнинг 203-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«**келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсири этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физиковий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиласиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса, жиноят содир этилиши натижасида олинган пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ҳамда бошқа мол-мулк ашёвий далил ҳисобланади».**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

I. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111460>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуни. // [Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон](#).
5. «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё груҳи түғрисидаги битимни (москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 декабрдаги ЎРҚ-307-сон Қонуни. // [Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон](#).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-6252-сон Фармони. // [Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.06.2021 й., 06/21/6252/0617-сон](#).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 11.02.2011 йилдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид

ишлиар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»ги 1-сон қарори. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1766419>.

